



Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

5
(750)-son

2-fevral

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон-Сингапур:

Муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жорий йилнинг 24-26 январ кунлари давлат ташрифи билан Сингапур Республикасида бўлди. Сафар давомида Юртбошимизга мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари раҳбарлари ҳамроҳлик қилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров ва бир гуруҳ соҳа вакиллари ҳам мамлакатимиз делегацияси таркибида ушбу мамлакатда бўлишди.

Агентлик делегацияси Сингапурдаги ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритаётган компаниялар, жумладан, "Сингтел" ва "Стархаб" сингари йирик телекоммуникация операторлари ҳамда "Темасек" холдинг компанияси билан учрашувлар ва музокара-лар ўтказди, бевосита қатор ишлаб чиқариш жойларида бўлди.

Агентлик делегацияси иш якунларига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўзаро манфаатдор ҳамкорлик бўйича битим ва мувофиқ англашув Меморандумларига эришилди.

Жумладан, ҳамкорликда республикаимизда оптик-тонали алоқа кабелларини ишлаб чиқариш ("Юнион Тек. Азия" ва "Эссе Кемикалз Корп." билан), мамлакатимизда LCD-мониторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (SCK Multimedia билан) ҳамда телекоммуника-



ция хизматлари таъминотини тадқиқ қилиш ("Сингтел" билан) бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандумлар имзоланди.

Юртбошимизнинг Сингапурга давлат ташрифи доирасида икки мамлакатнинг ишбилармон доиралари ўртасида Бизнес-форум ўтказилди. Унда ҳар икки республиканинг ташқи савдо ва иқтисодий фаолиятига масъул вазирлик ва идоралари, юзга яқин фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Томонлар Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги инвестициявий, савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Икки мамлакатнинг имконият ва салоҳиятлари борасида ўзаро ахборот алмашилди.

Форумда таъкидланганидек, Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳалар қаторида бевосита икки мамлакат ишбилармон доираларининг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишлари учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон ва Сингапур Республикалари тегишли вазирлик, идора ва компаниялари ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлат ташрифи давомида икки томонлама манфаатли натижаларга эришилди. Ушбу келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиши ҳамда ўзаро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Ушбу сонда:

МУҲОКАМАДА:
ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА
МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲВОЛИ

2-БЕТ ➔

АКТ ИМКONIЯТ-
ЛАРИДАН ФОЙ-
ДАЛАНИЛДИ

3-БЕТ ➔

ВЕСЕНЕЕ
ОБОСТРЕНИЕ —
2007

6-БЕТ ➔

УСТОЗ ВА
ШОГИРД

12-БЕТ ➔

КАБУТАРДАН
САМОВИЙ
АЛОҚАГАЧА!

13-БЕТ ➔

САДОҚАТЛИ
ДЎСТ ТОПИШ
ОСОНИМИ?

16-БЕТ ➔



Интернет
ҳамкорларимиз

UzNet

Internet Service Provider
— сифат рамзидир

Sarkor Telecom
Internet service provider

— юқори тезликдаги уй Интернетни

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 январ куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фахрulloда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни қабул қилди.**



Учрашувда Президент Ислам Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустақамлаш, халқларимиз ўртасида илмий маданий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги хизматлари учун Фарит Мухаметшинга Ватанимизнинг "Дўстлик" орденини тоширди.

Элчи юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди.

✓ **"Ўзбекистон ҳаво йўллари"**

Миллий авиакомпанияси ўзининг ун беш йиллигини нишонламоқда. Мазкур компания мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли соҳада ислохотларни изчил амалга ошириб, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.



Тошкентда ушбу сана муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда компаниянинг ўтган йилларда қўлга киритган ютуқлари, уни ривожлантиришнинг янги истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси жамоасига йўлаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, миллий авиациямизни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга қўшган самарали ҳиссаси учун компаниянинг бир гуруҳ ходимлари юксак давлат мукофотлари ва фахрий унвонларга сазовор бўлди.

✓ **Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида вилоят ва шаҳар миқёсида голиб деб тошган 14та милиция таянч пункти иштирокчида "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.** Унга кўра, Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласидаги 13, Наманган вилояти Поп тумани Гурумсарой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 11, Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Дўстлик маҳалласидаги 108, Сурхондарё вилояти Жарқурғон тумани Исмоилтепа маҳалласидаги 109-сонли милиция таянч пунктлари биринчи даражали диплом ҳамда "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди. Чиноз, Асака, Қогов ва Янгибозор тумани вакилларига иккинчи даражали диплом ва компютер тушлами, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари учинчи даражали диплом ва рангли телевизор билан мукофотланди.



● HAY'AT YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳай'атининг жорий йилдаги биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ҳай'ат раиси, Агентлик Бош директори А.Арипов олиб борди.

Кун тартибидаги дастлабки масала юзасидан Агентлик ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Исаевнинг "Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва тизимдаги айрим ташкилотларнинг қўйи таркибий бўлинуларида 2006 йил IV чорак давомида ижро интизоми ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида"ги

нинг танишишлари учун кенг имконият яратилмаганлиги, почта алоқаси бўлинуларида қўшимча хизмат турларининг кенг жорий этилмаганлиги, қўшимча даромад олиш манбалари ишлаб чиқилмаганлиги, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, пировард натижада янги хизмат турлари ва қўламини ошириш етарли даражада эмаслиги

МУҲОКАМАДА:

ИЖРО ИНТИЗОМИ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲВОЛИ

маърузаси тингланди.

Маърузачининг таъкидлашича, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармаларида ва ташкилотларда ижро интизомига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш жадвалига мувофиқ ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, 2006 йилнинг октябр-декабр ойларида Агентликнинг Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаларида, шунингдек, "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг ушбу ҳудудлардаги қўйи таркибий бўлинуларида соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент ва Ҳукумат қарорларини бажаришда ижро интизомига риоя қилиш аҳоли ўрганилиб чиқилган.

Ҳудудларда тегишли Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва мувофиқ вазибалар ва мақсадли кўрсаткичлар Агентлик ҳамда тизимдаги юқори турувчи ташкилотлар томонидан тасдиқланган режа ва дастурларга асосан амалга оширилиб келинмоқда. Агентлик ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича ўз қарорлари (бўйруқ, фармойиш) қабул қилиниб, ижрочиларга етказилган.

Тизимдаги корхона ва ташкилотлар томонидан жойлардаги таркибий бўлинулари раҳбарлари ва мутахассислари зиммасига юкланган вазибалар ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга ўрганишларда жойлардаги таркибий бўлинуларида соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини таъминлашда бир қатор камчиликлар аниқланган. Жумладан, жойларда қонун ва қонуности ҳужжатлар, соҳа фаолиятини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари тўлиқ бажарилмаслиги, почта алоқаси тармоқлари фаолият юритишлари учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмаганлиги, мижозлар билан ишлаш ва уларга хизмат кўрсатиш объектларида ахборот-маълумот кўринишидаги маълумотномалар билан мижозлар-

маълум бўлди.

Шу сабабли ҳам Ҳай'ат йиғилишида "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги қўйи таркибий бўлинуларида ижро интизоми мустақамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар етарли эмас деб топилди ва бу борада муайян тадбирлар кўриш лозимлиги қайд этилди.

Шундан сўнг, "Давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари Реестрини шакллантириш, ундан фойдаланиш ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида" UZINFOCOM маркази директори Ж.Раҳимов ахборот берди.

UZINFOCOM маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27-сонли қарорига мувофиқ, 44та номдан иборат давлат органлари томонидан яратилган Давлат ахборот ресурсларини (ДАР) ўз ичига жамлаган рўйхат, "Давлат ахборот ресурслари Реестри" олиб борилмоқда.

2006 йил мобайнида 42та ДАР бўйича мурожаатнома тушган. 38та ДАР рўйхатдан ўтказилган.

Рўйхатга олинган давлат ахборот ресурслари тўғрисидаги маълумотларни тартибга солиш мақсадида "Давлат ахборот ресурсларини қайд этиш ва рўйхатга олишни ягона тизими" (www.reestr.uz) яратилди. Тизим маъжуд ахборот ресурслари билан танишиш ва янги ресурсларни жойлаштириш имкониятига эга.

Давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини қайд қилиш ва рўйхатга олишни тартибга солиш, меъёрий базани такомиллаштириш мақсадида UZINFOCOM маркази томонидан "Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом", "Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом"лар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Марказ томонидан ЎзААнинг 2006 йилда меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш иш режасига кўра, "Оммабоп ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича тавсиялар", "Ахборот ресурсларини таснифлаш тизими тўғрисидаги Низом"лар тайёрланди. Айни пайтда "Давлат органларининг ахборот ресурсларини инвентаризация қилиш тартиби

тўғрисида"ги меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмоқда.

"Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятида соҳага доир қонунлар, экспертизадан ўтказиш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш ишларининг аҳоли ҳақида" Агентлик бош юридик маслаҳатчиси Б.Жабборов маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида барча



соҳалар қаторида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ҳуқуқий базасини мустақамлашга жиддий эътибор қаратилиб, Агентликнинг ташаббуси ва иштирокида соҳага доир тўққизта Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23та фармони ва фармойишлари, 30дан зиёд қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 65дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилиниб, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан 70дан зиёд норматив ва стандарт ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Маърузачи соҳага доир қонун ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда бажарувчи ташкилот ва муассасалар томонидан камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Шу боис Ҳай'ат йиғилишида Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, "ЎзАлоқаКонсалтинг" МЧЖ, UZINFOCOM маркази, шунингдек, Агентлик марказий аппаратининг етакчи бўлимлари бошлиқларига 2007 йил давомида ишлаб чиқилиши режалаштирилган қонун лойиҳалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қонун ва норматив-ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилишини таъминлаш, Агентликка киритилаётган норматив ҳужжатлар лойиҳаларини иқтисодий ва молиявий асослаш, экспертизадан ўтказиш ва зарур ҳолларда тегишли хулосалар, таққослаш жадваллари, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарур бўлган қонун ҳужжатларини рўйхатини илова қилган ҳолда тақдим этиш вазибалари топширилди.

Муҳокамадада Агентлик Бош директори ўринбосари А.Хўжаев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдиновлар сўзга чиқиди.

Қўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилиш сўнгидея Агентлик Бош директори А.Арипов Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимовни 60 ёшга тўлиши муносабати билан барча алоқачилар номидан табриклаб, унга Агентликнинг эсдалик совғасини топширди.

SEMINAR

AXBOROTLASHTIRISH TIZIMI

Янги технологиялар амалда

Бутунжаҳон почта иттифоқи қонун-ҳужжатлари талабига мувофиқ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан халқаро жўнатмаларда штрих-кодлаш бўйича ёрликларни қўллаш амалга ошириляпти.

"Ўзбекистон почтаси"


ОАЖ мажлислар залида ўтказилган семинар-йиғилиш ана шу каби масалаларга бағишланди. Тадбирни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бош директорининг ўринбосари Х.Тожибоева олиб борди. Семинар-йиғилишда республикамиздан чиқиб кетаётган халқаро жўнатмаларни штрих-кодлаш билан иден-

тификациялашнинг аҳамияти ва унинг тартиби, филиалларда пенсия тўловининг бажарилиши бўйича маълумотларнинг электрон почта орқали узатилишининг ташкил этилиши, электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш, ходимлар ишини назорат қилиш ҳамда почта пул ўтказмаларини электрон пул ўтказмалари тизимига босқич-

ма-босқич ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Халқаро жўнатмаларни штрих-кодлаш бўйича ёрликларни қўллаш амалиёти жорий йилнинг 1 февралдан бошланди.

Ўз мухбиримиз



**АКТ ИМКОНИЯТЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИЛДИ**

FOTOMUXBIR NIGONIDA

Тилга эътибор — элга эътибор

Аждодлардан авлодларга мерос қоладиган асосий бойлик бу — тил. Она тилимиз бор экан — Ватан бор. Халқнинг умр ўлчовини тил белгилайди.

Президентимиз И.Каримов айтганидек: «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади, Она тили бу — миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигини жудо бўлиши муқаррар».

Шу аснода «Давлат тили ҳақида» ва «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси ҳамда Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилишининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Самарқанд вилоятидаги А.С.Пушкин номидаги ахборот-кутубхона марказида махсус ишчи-комиссия тuzилиб, 2007-2010 йилларга мўлжалланган режа дастурлари ишлаб чиқилди. Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини мукамал ўрганиш мақсадида шу кеча-кундузда барча ходимлар учун мунтазам ўқув машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилмоқда. Иш юритиш ва меъёрий ҳужжатлар босқичма-босқич лотин ёзувиге ўтказилмоқда. Марказда мавжуд фойдаланилаётган компютерларга ўзбек алифбосига хос ҳарфлар жойлаштирилди.

Ахборот-кутубхона марказидаги барча шпор, ёзув, матн, кўргазмаларнинг ҳам лотин ёзуви билан чиқарилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Гувоҳномалар топширилди

Маълумки, Республикаимиз Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида марказ ходимларининг компютер саводхонлигини ошириш назарда тутилган эди. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази ходимларининг бир гуруҳи компютер курсларида ўқитилди.

Яқинда ахборот-кутубхона маркази ходимларидан 10 нафари ТАТУ Самарқанд филиалида «Компютер саводхонлиги» курсида ўқиб, олган билимларини тест орқали яна бир бор синаб кўришди. Шундан сўнг тингловчиларга олган билимларини тасдиқловчи гувоҳномалар топширилди.

Ўйлаймизки, ТАТУ Самарқанд филиали билан келгусида ҳам самарали ҳамкорлик давом этади.

Маҳбуба КУЛОВА,
вилоят Ахборот-кутубхона
марказининг бўлим мудир



Каерга ўрнатсак экан!..

Боботоғдан Кўҳитангача

телерадиодастурлар сунъий йўлдош орқали узатилмоқда

Сурхон воҳасининг Боботоғ, Керагаатоғ, Бойсун, Кўҳитанг ва Ҳисор тоғлари этагидаги қишлоқларда истиқомат қиладиганлар кўп йиллардан бери телевизор кўриш ва радио эшитиш имкониятидан тўлиқ фойдалана оlishмасди. Истиқлол нафаси бу олис манзилларни ҳам бебаҳра қолдирмади.

Ўтказилган мониторинг вилоят бўйича 118та тоғлиқ қишлоғида камқувватли узатгичларга эҳтиёж борлигини кўрсатди. Кўп ўтмай Хитой кредити ҳамкорлигидаги "Йўлдошли алоқа" тизимлари орқали телерадиоэшиттиришни ташкил қилиш лойиҳаси бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур доирасидаги амалий ишлар бошлаб юборилди. Дастлаб ўрнатилиши кўзда тутилган узатгичлар жойи ўрганилди ва жараён учун ҳозирланди. Иш бошланган кунлари хитойлик ҳамкасбларимиз билан ёнма-ён ишлаб, ўзаро тажриба алмашдик. Кейинчалик узатгичлар ўрнатишни ўзимиз давом эттирдик. Бунда Нажмиддин Хўжаёров, Бобомурод Холлиев, Азиз Исломов, Равшан Абдиназаров каби маҳоратли мутахассисларимизга таяндик. Бирин-кетин қишлоқларда "Ўзбекис-

тон" телерадиоканали эшиттиришларини тинглаётган ва кўрсатувларини томоша қиладиган оилалар сони кўпая борди. Бугеги Сарийосиёнинг Кенггузари ва Тутаканда, Узуннинг Кўнғиротте-рак ва Бойваччасида, бугеги Шерободнинг Кампиртепасио, Бойсуннинг Хомконида яшовчилар йўлга қўйилган янгиликдан беҳад севиношиди. Эл қувонса меҳнат машаққатлари билинмай, чарчок сезилмас экан.

Лойиҳа асосидаги ишларимиз "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига амалий жавоб бўлди, десак адашмай-миз. Чунки одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшилди. Энг муҳими, йиллар оша орзу қилиб келинаётган бебаҳо имконият уларга ахборот етказишда ижобий аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, малакали мутахассислар иштирокида

ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини орттиришиди.

Шуниси эътиборлики, семинар маърузаларини янада кенгрок аудиторияга етказиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қашқадарь вилояти худудий бошқармаси, "Қашқадарь Телеком", «УзНет», «УЭИ-Қарши» филиаллари ва ТАТУ Қарши филиали мутахассислари саъй-ҳаракатлари билан видео-

конференцалоқа ташкил қилинди. Қарши муҳандислик-иқтисодий институти, Қарши Давлат университети, Муборак ва Термиз шаҳарлариға видеоконференцалоқа хизмати нуқталари ўрнатилиб, жойларда ҳам турли соҳа вакиллари семинарда иштирок этиши ва ўзларини қизиқтирган саволларға жавоблар олдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ
Қашқадарь вилояти



ва Хитойнинг "Эксимбанк"и кредити асосида бажарилган ишлар натижасидан қувонсак арзийди.

Абдихолик САФАРОВ,
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сурхондарь вилояти худудий бошқармаси ётақчи мутахассиси,
Маматмусо ЛОЛАХОНОВ,
вилоят радиотелевидение узатиш маркази бошлиғи


● XALQARO HAYOT

ОСТАНКИНО ТЕЛЕМИНОРАСИ
ХАВФ ОСТИДА...МИ?

Хориж матбуоти бу ҳақда тинимсиз бонг урмоқда. Хабарингиз бор, 2000 йили ушбу телеминорада кучли ёнғин юз берган эди. Ўшанда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилганди. Бироқ ҳозирга келиб, экспертлар дунёнинг энг баланд иншоотларидан бири қулаш хавфи остида эканлигини баён қилишмоқда.

Бундай хулоса чиқарилишига 2006 йилнинг кузида юз берган фожеа сабаб бўлди. 54 ёшли Николай Неркин бошқа ишчилар билан бирга махсус мослама ёрдамида минорани ушлаб турган пўлат арқонларни тортаётганди. Кутилмаганда арқон узилиб кетади. Атрофга сочилган темир бўлақларидан қаттиқ жароҳатланган Неркин вафот этади.

Шундан сўнг телеминора аҳолини қайта ўрганиш ишлари яна бошлаб юборилди. Ўрганишларда иштирок этаётганлар минорани ушлаб турган арқонлар исталган пайтда узилиб кетиши, бу эса катта фожеага сабаб бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Москва телерадиоузастиш маркази бош муҳандиси Ефим Иляич эса ҳеч қандай хавф йўқлигини, минора икки йил давомида арқонларсиз ҳам турганини таъкидлаган.

ЯНГИ АЙБЛОВЛАР
ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ливия суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган болгариялик беш нафар ҳамшира ҳамда фаластинлик шифокорга нисбатан янги айбловлар эълон қилинди.

Янги иш бўйича сўровлар 11 феврал куни бошланади.

29 январ куни Ливия раҳбарининг ўғли Саиф ал-Ислом айбланувчилар ўлимга ҳукм қилинмаслигини маълум қилган. "Биз ушбу масалага ечим бўладиган режани тайёрладик, — деган у. — Режамиз барча томонларни: жабр кўрган оилалар, Ливия, Болгария ва Европа Иттифоқини қониқтириши лозим."

Ушбу режанинг асосий мазмуни оилаларга етказилган зарарни қоплаш ҳисобига судланувчиларни ўз юртига қайтаришдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, болгариялик ҳамширалар ва фаластинлик шифокор 2004 ва 2006 йиллари 426 нафар болага ОИТС вируси юқтирилишида айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган.

ПЕНСИОНЕРЛАР МИЛЛИОНЕРГА
АЙЛАНИШДИ

Миссури штатида истиқомат қилувчи 84 ёшли Жим Уилсон 5 долларлик лотерея ўйнаб, 254 миллион доллар миқдордаги жек-потни ютиб олди.



Reuters агентлигининг маълум қилишича, Жим ва унинг рафиқаси Ширли ҳамда уларнинг фарзандлари Жим кичкина, Уилям ва Террилар доимий равишда лотерея чипталари харид қилиб келишган. Шу сабабли оилада ўзаро келишув мавжуд бўлган: лотереядан ким ютишдан қатъи назар пул тенг бўлинади.

Ушбу ютук барча оила аъзоларини қувонтириб юборди. Эътиборлиси, уларнинг барчаси пенсия ҳисобига кун кўришарди.

ДАРВИН ТАЪЛИМОТИГА ҚАРШИ

Санкт-Петербурлик 16 ёшли Мария Шрайбер отаси Кирилл Шрайбер билан бирга суд орқали биология фанида Дарвин таълимоти ўтилиши бекор қилишга уринмоқда.



— Дарвин қарашлари ёшлар тасавурида инсон келиб чиқиши тўғрисидаги ҳақиқатни чалғитиб юборади, — дейди қизнинг отаси. — Ахир бу фаразни Дарвиннинг ўзи ҳам, бошқа олимлар ҳам тўлиқ исботлаб бера олмаган.


Суд ушбу иш юзасидан сўнгги қарорни 21 феврал куни маълум қилади.

● SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— Иш қидираётган пенсионерларга ишсизлик нафақаси тўланадими?



Л.НОРЧАЕВ
Жиззах вилояти



— Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасига, шунингдек, Меҳнат кодексининг 60-моддасига мувофиқ, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминлашнинг ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги (пенсия туридан қатъи назар), ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади. Демак, пенсиянинг туридан қатъи назар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ва пенсия тайинланган фуқаролар ишсиз деб эътироф этилмайди ва уларга нисбатан ишсизлик нафақаси тўланмайди.

Шу билан бирга, пенсионерлар маҳаллий (туман, шаҳар) меҳнат органларида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинishi ҳуқуқига эгадирлар. Бунда уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ва иш қидирувчиларга нисбатан тааллуқли бўлган барча зарур хизматлар (тегишли маслаҳатлар бериш, ишга жойлаштишга кўмаклашиш, ишга йўлланма бериш ва ҳоказолар) кўрсатилиши лозим бўлади.

Саволга Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюشمаси марказий кенгаши бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид АХМЕДОВ жавоб берди.

EHM VA AXBOROTLASHTIRISH:
KESHA, BUGUN, ERTAGA

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Информация тушунчаси объектив реалликнинг асосий хусусиятларидан бири бўлган информация жараёنлари билан боғлиқдир. Информация инъикос мазмундир. Чунки, ҳамма нотирик ва тирик материя учун умумий бўлган инъикос жараёни ҳар доим предмет ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан тақозо этилади. Информация эса предмет ва ҳодисалар ўртасидаги ана шу ўзаро боғланиш ёки ўзаро таъсир турлари ҳақидадир.

Индукция ва дедукция, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантикийлик, гипотеза, аксиомалаштириш, аналогия, математикалаштириш, шакллантириш, моделлаштириш ва ҳоказолар билишнинг умумий усулига киради. Техника ва физика ютуқлари муваффақиятли қўлланилаётган ҳозирги асрда бошқарувчи механизмлар ёрдамисиз иш қилиб бўлмайди. Мохир кўлнинг бармоқлари қанчалик чаққон бўлмасин, унинг тез ва аниқ ҳаракат қилиши муайян чегарадан нарига чиқа олмайди. Ҳатто кўзнинг ҳам буюмларни кўришда чеки бор, у ҳамма буюмларни кўравермайди. Кўз сонда беш марта ўзгарадиган буюмларнинг фарқига бора олмайди. У икки нуқтани камида бир дақиқа бурчак билан кўргандагина фарқига бора олади. Булардан ташқари, асаб тизимида импульсларнинг кўздан миёга ва миёдан мускулларга ўтиши учун ҳам вақт талаб қилинади.

Жуда қадим замонлардаёқ кишиларнинг ҳисоблаш ишлари билан шуғулланишига тўғри келган. Аниқроғини айтганда, ҳисоблаш ишларининг тарихи одамзод пайдо бўлишидан бошланган. Ер юзидagi энг биринчи ҳисоблаш асоби ибтидоий одамларнинг бармоқлари эди. Уша олис замонлардаёқ ҳисоблашнинг энг биринчи ва энг оддий усули бармоқ ҳисоби пайдо бўлган.

Қадимий қабилаларда ҳисоб йиғирмагача олиб борилган. Ҳисоблашнинг бу усулида бир қўл бармоқлари «беш»ни, икки қўл бармоқлари «ўн»ни, қўл ва оёқ бармоқлари эса биргаликда «йиғирма»ни билдирган. Вақти келиб, бармоқ ҳисоби эҳтиёжни қондира олмай қолди. Майда тошлар, суюқлар ҳисоблаш қуроли бўлиб, кейинроқ ерга, кумга, дарахтга чиқарилган қизиб ҳисоблаш усуллари кенгайиб борди. Ҳаёт сунъий ҳисоблаш асбобларини ўйлаб топишни тақозо қиларди. Шундай асбоблардан бири чўпхат бўлиб чиқди. Чўпхат 10 ёки 12 та таёқчадан ташкил топган бўлиб, таёқчаларга турли шакллар ўйиб туширилган. Ушбу чўпхат ёрдамида подадаги моллар сони, олинган ҳосил миқдори ва шу кабилар ҳисобланган.

Ҳисоблаш ишига бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бориши орқали бора-бора чўп ва логарифмик чизгич райдо бўлди. Шу тариқа ҳисоблаш машинасини ўйлаб топиш эраси бошланган. XVII асрда бунёд этилган ҳисоблаш машиналарининг муаллифлари немис олимлари Вилгелм Шиккард, Готфрид Лейбниц, француз файласуфи ва математиги Блез Паскалдир.

XIX асрда П. Чебишев ва В. Однерлар арифмометр яратди. XIX асрнинг бошида инглиз математиги Чарлз Беббиж томонидан дастур асосида бошқарилувчи автоматик ҳисоблаш машинасининг назарияси ишлаб чиқилганга қарамай, бу гоё XX асрда рақамли ҳисоблаш машиналари яратилган даврда амалга ошди.

1950 йиллар электрон-ҳисоблаш машиналари тараққийотининг бошланиши бўлди.

Электрон-ҳисоблаш машиналари қўлланиладиган соҳаларни санаб саногига етиш мураккаб. Ана шу ЭХМ, ўз навбатида, бошқариш илми деб ата-

Тошкент фото уйида шу йилнинг 30 январидан 14 февралгача ўзбек ва француз фото ижодкорлари ҳамкорлигида "Жанубий почта" номли ноёб фотосуратлар кўргазмаси бўлиб ўтади.




"Жанубий почта" фото кўргазмаси



Кўргазма Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, Тошкент фото уйи, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Heart Gallery, Caravansaray.org, A 360 production ташкилотлари томонидан ташкиллаштирилди.

Таниқли француз ёзувчиси ва учувчиси Антуан де Сент-Экзюпери бундан 80 йил олдин почта авиационининг командирлиги сифатида Франциядан Африкага



мунтазам училарни бошлаб берган. Кейинчалик ёзувчи ўз таассуротлари асосида "Жанубий почта" кассасини ёзади. Фотокўргазма мана шу санга бағишланган ва у Парижда ҳам ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Кўргазмадан ўтмиш ва ҳозирги замонни уйғунлаштирган фо-

тосуратлар жой олган. Унда 170га яқин фотосуратлар, видеотасмалар ҳам намойиш этилади.

Мазкур санага атаб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан "ANTUAN DE SENT EKZYUPERI JANUBIY POCHTA — AVIA XIZMATIGA 80 YIL" номли махсус хотира тамгаси муомалага киритилди. Кўргазмада ушбу тамгани тушириш тадбири ҳам ўтказилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовлар қатнашди.

"Жанубий почта" кўргазмаси "Шарқ-Фарб, Тошкент чорраҳаси" номли 1-Халқаро замонавий санъат фестивалига тайёргарлик доирасида ўтказилмоқда. Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳар икки халқни янада яқинлаштиришга, маданиятнинг ривожланишига хизмат қилади.

Иззат АХМЕДОВ

Элбек ДОЛИМОВ
олган суратлар

TA'LIM TIZIMIDA

Иزلанишлар давом этаверади

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ёшларнинг касб танлашида, ўз мутахассисликлари сирларини пухта эгаллаб, ҳаётда ўринларини топишида муҳим омил бўлмоқда. Ёш авлод камолоти йўлида Самарқанд алоқа касб-ҳунар коллежида ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти.

2004 йилда ташкил қилинган коллежимиз бир йил ўтиб, қайта таъмирланган бинога кўчиб ўтди. Физика, биология, кимё ва электротехника фанлари ҳамда лингвон хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳўжумларнинг касбий салоҳияти кўчатирилди, таълим-тарбия жараёни такомиллаштирилди. Янги ташкил этилган мутахассисликлар учун ўқув дастурлари, янги авлод дарсликлари келтирилди.

Коллежда ҳозирги кунда 8та мутахассислик бўйича 883 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Ўқув даргоҳимизда асосан Сурхондарё, Навоий, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва вилоятимиз туманларидан келган ёшлар касб-ҳунар ўрганишмоқда. Коллеж педагоглар жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларини ўз муддатида бажарилишини таъминлаш, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Талабаларимиз ишлаб чиқариш амалиётларини ташкилот ва корхоналар базасида ўтайдилар. Бу борада «ЎИ-Самарқанд» ва «Самарқанд Телеком» филиаллари ҳамда «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали билан 5 йиллик ҳамкорлик шартномалари тузганмиз. Ушбу корхоналар битирувчиларимизни иш билан таъминлашда бизга яқиндан

ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими марказининг ташаббуси билан коллежимизда тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тақдирот жараёнида умумтаълим фанларидан бта, махсус фанлардан 5та очик дарс ташкил этилди. Иштирокчилар биология фани ўқитувчиси Д.Авлораева, кимё фани ўқитувчиси Б.Ҳасанов, почта алоқаси йўналиши ўқитувчиси Н.Улугмуродова ва махсус фан ўқитувчиси О.Назаровларнинг очик дарсларини ижобий баҳоладилар.

Муҳокамаларда сўзга чиққанлар коллеж тўғрисида ўзларининг ижобий фикрларини билдириб, ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб ўтишди. Шунингдек, меҳмонлар «Самарқанд Телеком» филиали бажарилишида жиҳозланаётган алоқа ўқув амалиёти хонасини ҳам кўздан кечирдилар. Умумтаълим ва махсус фан кабинетларининг жиҳозланиши уларда яхши таассурот қолдирди.

Бу каби тадбирларни доимий равишда ўтказиш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш борасидаги изланишлар давом эттириляверади.

А.НИЗОМОВ,
Самарқанд алоқа касб-ҳунар коллежи директори

лувчи «кибернетика» деган фаннинг келиб чиқишига асос бўлиб, унинг моддий базасига айланди. ЭХМлар келгусида қандай тараққий этишини тасаввур этиш осон эмас. Лекин шу нарса аниқки, табиатда инсон тафаккурига тенг келадиган қудратли куч йўқ — у сонияда миллиардлаб амалларни бажара оладиган ЭХМларни яратиш имконига эга. Ана шу кечисиз имконга эга бўлган машиналар тугмаларини олиб замоналарда ҳисоблашни бошлаб берган инсон бармоқлари бошқармоқда.

Кибернетика метод ва усулларининг тезкорлик билан бошқа фанларга кириб бориши, ўз навбатида, кибернетика тараққийети ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда.

Бошқа фанлар қатори кибернетика фанининг келиб чиқишини фақат айрим улуг олимлар фаолиятининг ҳулосаси, деб қараш тўғри бўлмас керак.

Фаннинг умумий ривожланиш йўлини фан-техника тараққийетининг бир-бири билан боғланиб кетадиган омилларини ҳисобга олмай ва таҳлил этмай, жамиятнинг мавжуд талабларини назарда тутмай туриб тасаввур этиб бўлмайди. Кибернетиканинг баъзи бир муҳим тамойиллари фанда олдин ҳам намоён бўлиб келган. Ушбу фаннинг келиб чиқиш жараёнини инсоният жамияти назарий ва амалий фаолияти турли хил соҳаларининг ўзаро таъсири деб тушуниш лозим.

Ҳар хил жараёнларни амалга оширишга бўлган эҳтиёж керакли ҳисоблаш амалиётларини тезлаштириш, ақлий фаолиятнинг айрим томонларини моделлаштириш ва шу каби ишларни механизациялашни талаб қилди. Давр талаби билан инсоннинг психологик имкониятлари қатор тез ўтувчи жараёнларни самарали бошқаришни таъмин эта олмай қолди. Ҳаёт, ўз навбатида, автоматлашти-

рилган бошқарув тизимларини ишлаб чиқишни тақозо этарди. Иجتимой тараққийет асрида жамиятни бошқаришнинг илмий асосларига бўлган интилиш ва қизиқиш тобора ўсиб борди.

Жамиятни бошқаришдан олиннадиган ижобий натижалар турли хил информацияларни йиғиш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Информация йиғиш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш инсоният фаолиятининг энг муҳим қисми бўлиб қолмоқда. Гап фақат илмий-техникавий информация ҳақидагина эмас, балки сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, тиббий ва шу каби информациялар устида ҳам бормоқда.

Информация муаммоси жамият тараққийетидаги энергетика, хом-ашё муаммоси билан тенг аҳамиятли муаммага айланиб қолди. Шу тўғрисида ягона энергетика тизими сингари, ягона алоқа информация тизимини бунёд этиш зарур бўлиб қолмоқда.

Кибернетиканинг келиб чиқиш шарт-шароити, техникавий замин ва манбалари бир-бири билан шундай узвий боғланганки, айрим ҳолларда улар орасидаги аниқ чегарани кўрсатиш мумкин бўлмай қолади.

Умуман, кибернетика фани ва унинг моддий базаси бўлган ЭХМнинг келиб чиқиши, ўз навбатида, автоматлаштирилган бошқарув тизимларини ишлаб чиқишга ундади.

Техникада роллаш тушунчаси бор. Ростлаш ҳамда бошқариш тушунчалари орасида умумийлик мавжуд. Ростлаш бошқаришнинг хусусий ҳолидир. Ростлаш жараёнидаги тизимнинг функцияси ростланувчи тизимнинг маълум параметрини у ёки бу тарзда доимий ушлаб туриши керак.

Ростланиш билан бошқариш орасидаги нисбат-

лар мураккаблиги шундан иборатки, бошқаришни ростлаш, ростлашни бошқариш, деб тушуниш мумкин. Маълум бир тизим фаолияти учун энг маълум режимни таъминлашда амалга ошириладиган гомеостатик ростлашда (масалан, организмдаги физиологик константни ушлаб туришда) ҳам ростланувчи объектни таъминлаш мувофиқ тарзда ўзгариб туриши назарда тутилди. Бошқаришни ростлашга ўхшатилишининг сабаби шундаки, бошқарилувчи объектнинг мақсадга мувофиқ тарзда ўзгариши энг маълум режимни таъминлашни назарда тутади.

Агар технологик жараённинг айрим параметр ёки кўрсаткичларини ростлашни таҳлил этадиган бўлсак, юқорида зикр этилган мулоҳазаларимиз янада ёрқинлашади, машинасозлик халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларини энг илғор техника билан куроллантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Машинасозликнинг моддий базаларидан бири металл кесиш дастгоҳидир.

Космик кемалар, сунъий йўлдошлар, товушдан тез учар самолётлар, сув ости кемалари ва шу кабиларни яратишда микрон доирасидаги аниқлик кифоя қилмайди. Микрон улушлари билан ўлчанадиган ушбу аниқлик машинанинг тўри ишлаши учунгина эмас, балки бу машиналарнинг ишончли ва узок хизмат қилиши учун ҳам зарурдир.


Аниқликни, ишлов бериш мобайнида детал юзасидан олинувчи қатламлар, кесиш тартиблари, ишлов беришга сарфланувчи вақтнинг нормалари ва шу кабиларни ҳисоб қилишда ЭХМларни қўллаш технолог ишнини энгиллаштиради ва тезлатади.

(Давоми бор.)

Неъматилла МЎМИНОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Отраслевая лаборатория

измерений уровней факторов производственной среды в сфере связи и информатизации



Проблема обеспечения безопасных и здоровых условий труда на производстве всегда являлась одной из актуальнейших проблем, присутствующей во всех отраслях народного хозяйства. Обеспечение безопасных условий труда является трудной задачей, которую одному предприятию без помощи специалистов в данной области не решить. До настоящего момента этими вопросами занимались специалисты Госсанэпиднадзора и Центра нормирования охраны труда при Министерстве охраны труда и социальной защиты населения. Однако силами одних этих специалистов

невозможно охватить все отрасли народного хозяйства республики. Решением данной проблемы является открытие специализированных отраслевых лабораторий, которые исходя из специфики данной отрасли и присутствия тех или иных вредных факторов, присущих только для данной отрасли смогут правильно дать оценку состояния условий труда.

С апреля 2006 года в сфере связи и информатизации стала действовать своя специализированная отраслевая лаборатория, которая создана при Центре научно-технических и маркетинговых исследований (ЦНТМИ) и аккредитована в

установленном порядке государственным органом – Агентством «Узстандарт». Данная лаборатория оснащена всей необходимой испытательной базой и обладает высококвалифицированным персоналом.

Несмотря на сравнительно небольшой период работы, лаборатория уже смогла помочь не одному предприятию в решении вопроса обеспечения безопасных и здоровых условий труда. В первую очередь, были проведены обширные исследования вредных и опасных факторов в подразделениях ЦНТМИ. В процессе исследований были проведены измерения различ-

ных факторов производственной среды на рабочих местах сотрудников с целью последующей аттестации рабочих мест по условиям труда. Выявленные в процессе измерений несоответствия были тут же устранены в соответствии с рекомендациями, выданными специалистами лаборатории.

Также, силами лаборатории была проведена аттестация рабочих мест на таких крупных предприятиях связи как: СП «Бузтон», ОАО «Узбекистон почтаси» и его филиалы. Были проведены измерения микроклимата, освещенности, уровня шума, содержания пыли в воздухе рабочей зоны, уровня напряженности электромагнитного поля мониторов компьютеров на рабочих местах сотрудников. В результате проведенных измерений было выявлено, что отдельные факторы производственной среды на рабочих местах

сотрудников не соответствуют нормированным значениям. Одними из негативных факторов, выявленных на рабочих местах, являются недостаточная освещенность, превышение уровней электромагнитных излучений персональных компьютеров, а в некоторых производственных помещениях не обеспечиваются оптимальные показатели микроклимата. В целях устранения вредного воздействия факторов специалистами лаборатории были даны рекомендации и предложены ряд мероприятий по устранению и снижению вредных уровней факторов производственной среды для включения их в план мероприятий по улучшению и оздоровлению условий труда.

Помимо проведения аттестации рабочих мест лабораторией были проведены контрольные измерения отдельных показателей факторов производственной среды с целью определения их фактических параметров. Такие измерения необходимы для обеспечения контроля вредных и опасных факторов, их своевременного выявления и профилактики профзаболеваний.

Ш. КАМИЛОВА,
ведущий инженер лаборатории измерений уровней факторов производственной среды

В рамках реализации национальной программы развития ИКТ, повышения уровня компьютерной грамотности молодежи и стимулирования учащихся образовательных учреждений для интеллектуального роста Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM при Узбекском агентстве связи и информатизации начинает проведение ряда образовательных акций, приуроченных к празднику Навруз под общим названием «Весеннее обострение - 2007», которые включают в себя следующие конкурсы:

1. «Сайты Ziyonet» в номинациях «Сайт школы», «Сайт ВУЗа», «Независимый проект»;
2. «Лучшее эссе» в номинациях «Уроки информатики», «ИКТ в преподавательской деятельности», «ИКТ для совершенствования учебного процесса»;
3. Телевикторина;
4. «Карточка учебного заведения».

«Сайты Ziyonet»

Конкурс стартует с 12 февраля 2007 года и продлится до 2 марта 2007 года. К участию в номинации «Сайт школы» допускаются сайты общеобразовательных и средне-специальных учебных заведений — школы, лицеи, гимназии, колледжи и т.д.;

В номинации «Сайт ВУЗа» допускаются сайты высших учебных заведений — университеты, институты, академии и т.д.;

В номинации «Независимый проект» допускаются сайты молодежных проектов, частные, некоммерческие социально-ориентированные сайты Узбекистана.

Победителей в номинации «Сайт школы» ждут следующие призы:

За 1 место – Компьютер и именной сертификат автору сайта; доступ в Интернет по выделенному соединению (план Ziyonet) на 6 месяцев для образовательного учреждения. В случае расположения образовательного учреждения вне зоны покрытия сети UzSciNet – предоставляется коммутируемый доступ;

За 2 место – Цифровой фотоаппарат и именной сертификат автору сайта; доступ в Интернет по выделенному соединению (план Ziyonet) на 6 месяцев для образовательного учреждения. В случае расположения образовательного учреждения вне зоны покрытия сети UzSciNet – предоставляется коммутируемый доступ;

За 3 место – Планшетный сканер и именной сертификат автору сайта; доступ в Интернет по выделенному соединению (план Ziyonet) на 6 месяцев для образовательного учреждения. В случае расположения образовательного учреждения вне зоны покрытия сети UzSciNet – предоставляется коммутируемый доступ;

нию (план Ziyonet) на 6 месяцев для образовательного учреждения. В случае расположения образовательного учреждения вне зоны покрытия сети UzSciNet – предоставляется коммутируемый доступ;

Победителя в номинации «Сайт ВУЗа» ждет приз – Один базовый комплект лицензионных продуктов, предоставленных компанией Microsoft (Windows + Office).

В номинации «Независимый проект» победитель получит цифровой фотоаппарат.

Для участия в конкурсе «Сайты Ziyonet» на сайте общественной образовательной информационной сети Ziyonet (www.ziyonet.uz) необходимо заполнить конкурсную заявку и отправить ее по адресу konkurs@uzinfocom.uz с пометкой в теме письма «Конкурс сайты Ziyonet в номинации».

Победители конкурса будут объявлены 12 марта 2007 года.

Для объективного и прозрачного определения победителей конкурса «Сайты Ziyonet» будет сформировано конкурсное жюри, в состав которого планируется включить победителей конкурса «Лучшее эссе» в номинациях «Уроки информатики», «ИКТ в преподавательской деятельности», «ИКТ для совершенствования учебного процесса», победителя Телевикторины, а также сотрудников Центра UZINFOCOM, независимых журналистов, представителей спонсоров.

● ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

Весеннее обострение - 2007

«Лучшее эссе»

Конкурс стартует 8 февраля 2007 года и продлится до 22 февраля 2007 года. К участию в номинации «Уроки информатики» принимаются работы только преподавателей по информатике общеобразовательных школ, гимназий, лицеев и колледжей, в номинации «ИКТ в преподавательской деятельности» принимаются работы только преподавателей по естественным и точным наукам общеобразовательных школ, гимназий, лицеев и колледжей, в номинации «ИКТ для совершенствования учебного процесса» принимаются работы только заведующих учебной частью и директоров общеобразовательных школ, гимназий, лицеев и колледжей Узбекистана.

Каждого победителя конкурса на лучшее эссе ждет следующий приз:

Стильная настольная светодиодная лампа офисного образца, комплект современных литератур по развитию ИКТ, а также доступ в сеть Интернет сроком на 3 месяца по коммутируемому доступу.

Для участия в конкурсе на сайте общественной образовательной информационной сети Ziyonet (www.ziyonet.uz) необходимо заполнить конкурсную заявку и отправить ее с готовым эссе на узбекском или русском языках по адресу konkurs@uzinfocom.uz с пометкой в теме письма «Конкурс на лучшее эссе в номинации» или оставить на созданной ветке электронного форума Центра UZINFOCOM (forum.uzinfocom.uz).

Телевикторина

Ежедневно в течение 10 дней с 12 по 22 февраля 2007 года (возможно изменение сроков, о котором будет сообщено дополнительно) на телеканале «Yoshlar» в вечернее время суток будет объявляться 1 вопрос в сфере ИКТ с вариантами ответов. Первый ответивший правильно на 9 вопросов и первым приславший на электронный адрес konkurs@uzinfocom.uz правильный ответ на последний 10-й вопрос и станет победителем телевикторины.

В телевикторине смогут принять уча-

стие только лица не старше 18 лет, учащиеся общеобразовательных школ, гимназий, лицеев и колледжей Узбекистана.

Победителя телевикторины ждет DVD-плеер.

«Карточка учебного заведения»

Акция стартует с 12 февраля 2007 г. и продлится до 12 марта 2007 г. Для участия в конкурсе необходимо заполнить на сайте общественной образовательной информационной сети Ziyonet (www.ziyonet.uz) специальные формы с информацией о школах 3-х видов: на узбекском (латиница и кириллица) и русском языках. Каждой заполненной форме будет присвоен свой регистрационный номер, дающий право для участия в розыгрыше призов.

При этом, заполнение форм на всех языках не обязательное условие, достаточно заполнить одну форму на одном языке. В то же время, один участник может заполнить несколько форм на всех языках, от этого его шансы выиграть приз будут увеличиваться. Каждой языковой версии формы присваивается отдельный регистрационный номер.

К участию допускается любой пользователь сети Интернет. Все заполненные формы будут проходить процедуру «отбраковки» (отсева) слабозаполненных форм, а призы получат 10 участников, заполненные формы которых будут выбраны случайным образом членами жюри, специально приглашенными на данное мероприятие.

Каждого победителя ждет приз в виде набора – USB Flash Memory Card, CD-Диск по Открытому и Свободному Программному Обеспечению + новый учебник «Информационные технологии», предоставленных Проектом ICTP Программы развития ООН.

Итого акции по всем конкурсам, а также точное время и место вручения призов будут своевременно объявляться на сайтах: www.uzinfocom.uz, www.ziyonet.uz, www.uz, www.cert.uz, www.cctld.uz.

Хабар + tv

ОЗБЕКСТОН

Хурматли телеомоҳнабилар!
Профилактика муносабати билан
душанба, 5 феврал кунин
"OZBEKISTON" теледионалини ўз
адресуларини соат 14.55 дан
бошлайдиган.
14.55 Курсатувлар дастури.
15.00 "Тадқиқнома"
15.45 "Ватанларимиз"
"Бозилар сайраси".
16.45 "Эришлар - ахшиликка
стаклар"
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Сиз кутгани учрашун".
18.00 "Аёл ва жиннат".
18.20 "Оқишлар оғунича".
18.30 "Ошиш", Телесерия.
19.00 "Аҳоли уйинин", Телеконтра.
19.15 "Маъна ва билим хабарларин".
19.20 "Дуёи озилим".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30
Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ анифокор".
20.10 "Ойла рингаларин".
Телесерия премьераси.
20.50 "Дуёи озилим".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Янги оқишлар".
22.00 "Икки тақдир", Телесерия
премьераси (Хиндистон).
22.45 "Қўшнингиз, муҳаббат"
(SMS, Овот берилди).
23.00 "Ойлам ва олам" дастури: "23.5
даржа бурак остида".
23.25-23.40 Туғини наволар.



5.55 Дастур оқишларин.
6.00 ЯНГИ ТОНЕ.
8.00 "Муҳаббат қадраси". Серия.
9.20 Journal.
9.40 2007 - Иқтисодий ўрмон янги:
"Матонат".
9.55, 12.55, 15.55 Иқлим.
10.00 Давр ҳафта ичида.
10.30 Эрта сунган қолдулар.
11.00 Жаҳон киноси: "Сехрланган
Элла".
12.40 Умумлар симфониясин.
13.00 Давр.
13.15, 16.15 Тафаккур нури.
13.20 "Навоин", Видеофильм.
14.00 Давр.
14.30 ЯНГИ КУН.
15.30 "Фан ҳақида 10 дақиқа".
15.40 Ҳазил мулки.
16.00 Давр.
16.20 Интерфутбол.
17.50 Нафосат олами.
18.00 "Олтин тулолор дунёда".
Телесерия.
18.30 Давр.
18.45 ЛУЕХ.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 "Қиш сонатаси". Серия.
20.10 ЛУЕХ.
20.15 Наво-SMS.
20.30 Оғоҳин - давр талаби.
21.10 Эълонлар.
21.15 "Муҳаббат ларалари". Серия.
22.00 ДАВР.
22.30 "Саломат". Серия.
23.55 - 00.10 Тафаккур нури.

ЎЗБЕКИСТОН

17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 Мультифильм "Денгиз итлари".
18.05 "Телекурер - маркет".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Ҳақиқат", Телесерия.
19.30 "Мушқи SMS".
19.50 "Саломат бўлинг"/рус/.
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 "Толғувуд академиясин", Х/ф.

ДУШАНБА — 5 ФЕВРАЛ

1-қисм/рус/.
20.50 "Интервью"/рус/.
21.00 "Жозоба".
21.25 "Эленизмиз, ёнингилдимиз"
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.50 "Телекурер - маркет".
22.10 "Аёл қадри".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/
рус/.
22.50 Кино: Жаҳон киноси
дурдонасин. "Буқри"/рус/.
00.30 - 00.35 Хайри тун, шаҳрим.

СПОРТ

7.00 "Болроқе утрос".
8.00 "Версия".
8.30 "Бозилар спортин".
8.50 "Зоопарк ва озилим хоброқе".
Серия.
9.05 "Малахов +"
10.00 "Талхон".
10.30 "Детективин".
11.00 "АВТОграф".
11.20 Бокс: Ўзбекистон чемпио-
нин.
12.20 - 13.00 Биатлон. Жаҳон
чемпионати.
18.00 Музалфильм.
18.10 "Қим нимат қозир".
18.30 "Хабарлар" (рус. тилида)
18.50 Футбол. Ширини.
19.10 "Жан меня".
20.00 "Вести".
20.25 "Тет-а-тет".
20.35 "Любовь моя". Серия.
20.50 "Хабарлар" (узб. тилида)
21.50 Спортнинг кинола:
"Сюстиликни Гилмар". Х/ф.
23.15 ПроФРИНГ.
00.05 Туғини осава бўсини"

БИРИНЧИ

5.00 Телеканал "Доброқе утрос"
9.00 Новости.
9.05 "Малахов+"
10.00 Т/с "Вечный зов".
11.00,20.00 Т/с "Сестры по крови".
12.00,15.00 Новости (с субтитрами)
12.15 "Понимать. Простата".
12.40 "Лолита. Без комплексов".
13.30 "Детективин".
14.00 Дуртине новости.
14.25 "Контрольная закупка".
15.15 Криминальная Россия.
"Погружение в ла".
15.50 Т/с "Любовь как любовь".
16.55 "Федеральный сулай".
18.00 Вечерние новости (с
субтитрами).
18.20 Т/с "Пять минут до метро".
19.10 "Жан меня".
21.00,3.00 Время.
21.30 "Любовница частного
сыска Даша Васильева".
22.30 Спецрасследование: "Мурат
Насыров. Две версии драмы".
23.30 Ночные новости.
23.45 Теория невероятности: "Дети
мошнин".
0.35 "Тени и злюден". Жюль Верн
1.05 Х/ф "Канонерка".

РОССИЯ

5.00 "Доброқе утрос, Россия!".
8.45 Х/ф "Табор мошин в небо".
10.50,13.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ
ЧАСТЬ.
11.00,14.00,17.00,20.00 ВЕСТИ.
11.30,14.20,16.40,20.45 МЕСТ-
НОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11.50 "Анишат и Компания".
12.50 "Частная жизнь". Ток-шоу.
14.40 Х/ф "Свои чужая сестра".
17.15 Т/с "Обреченная спать
звезда".
18.15 Т/с "Танго втроем".

19.00 Т/с "Ангел-хранитель".
21.05 "Спокойной ночи,
малышн".
21.15 Т/с "Гражданин начальни-
к".
23.15 "Дежурный по стране".
0.15 "ВЕСТИ+".
0.35 "Честный детектив".
1.05 "Синемания".
1.40 "Дорожный патруль".
1.55 Триллер "Эффект спускового
крючка".

НТВ

6.00 "СЕГОДНЯ УТРОМ".
9.05 "СЛЕДСТВИЕ ВЕДИ...".
10.00,13.00,16.00,19.00,22.00
"СЕГОДНЯ".
10.25,15.35,18.30,21.35 "ОБЗОР.
ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕ-
СТВИЕ".
11.00 "КУЛИНАРНЫЙ
ПОЕДИНОК".
11.55 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС".
13.30 Т/с "СМЫШЛИКИ".
16.25,19.35 Т/с "УЛИЦЫ
РАЗЫТЫХ ФОНАРИН".
20.35 Т/с "ПРОКЛЯТЫЙ РАЙ".
22.45 Т/с "СТАЛИН. LIVE".
23.45 Т/с "МОЛОДЕЖЬ И ЗЛЫЕ".
0.45 "ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ".
1.35 Х/ф "ТЕЛО КАК УЛИКА".

КУЛЬТУРА

5.00 "ЕВРОНЬЮС".
8.30 "В ПЛАННОЙ РОЛИ..." у
Юлияна Макарова.
8.45 ПУТЕШЕСТВИЯ
НАТУРАЛИСТА.
9.15 "Доктор Калюжнин". Х/ф.
10.35 "Картофельни и драконы".
Мультисерия.
11.05 ЛИНИЯ ЖИЗНИ. Юрий
Рост.
12.00 "Моя Эриштак".
12.30 "Выстрел". Телеспектакль.
13.40 "Цитаты из жизни".
14.10 "Картагена. Испанская
крепость на Карибском море".
Доқ. фильм.
14.25 "Жанн-Батист... Искатели".
Мультисерия.
14.50 "Арктика вверсия". Реали-
шоу для школьников.
15.15 "Дневник большого
мелавра". Док. серия.
15.50 ПЛЕННИЦЫ СУДЬБЫ.
Анна Сниткина.
16.15 Ярыославский Успенский
собор.
1.00 "Слава богу, ты пришел".
2.20 Кино: "ЭРИН БРОКОВИЧ".
4.35 Кино: "БОЛЬШИЕ ДЕВОЧКИ НЕ ПЛАЧУТ".

ТВ3

8.00 Российские мультифильм.
8.30 Жизнь, полная радости.
9.00 Российские мультифильм.
11.00 Х/ф "20000 ЛЬБ ПОД ВОДОЙ".
13.45 Х/ф "ХРОНИКИ ХУАДУ-ЛЕЗВИЕ РОЗЫ".
16.15 Х/ф "ЭЛЬ СИД".
20.00 Кинофильм.
21.00 Х/ф "НОЖИЦЫ".
23.00 Х/ф "ПАЗЛЕРНИЦА".
1.00 Сернал "ЛЕЗВИЕ ВЕДМ".
2.00 Сернал "СЕМЬЯ СОПРАНО".
3.00 Х/ф "ПТЕРОДАКТИЛЬ".

ДТВ

9.05 "Чемпионат анекдотов".
9.55 Тысяча мелочей.
10.25 Мультифильм.
12.25 Х/ф "РАЗРУШЕННЫЙ ГОРОД".
14.25 "Как уходили кумирь".
"Андрей Тарковский".
15.30 Ток-шоу "Я выжил".
16.25 Шоу российских режорав.
17.30 Самое невероятное видео.
18.30 Самое смешное видео.
19.00 "Смешная реклама".
19.30 "Этот белужный мир".
19.55 "Территория призраков".
21.00 "Фабрика смева".
22.00 Х/ф "ХОЛОСТЯК".
0.00 "С.С.1. МЕСТО ПРЕСТУП-ЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК".
2.00 Шоу режораво Гинисса.

ТНТ

7.00 "Оранжевое горлышко". Мультифильм.
7.25 "ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САМОСТ БИЧ".
8.35 "Крот и его друзья". Мультисернал.
9.30 "Москва: инструкция по применению".
10.00 "Акулы будущего". Док.фильм.
11.05 "ДЖОЙ". Комедия.
13.25 "Лучшие анекдоты из России".
14.00 "Алло, гараж".
15.00 "Голые степи".
16.00 "Правила смева".
17.00, 21.00, 23.30, 0.55 Дом-2.
18.00 "Звезды против каргове".
19.00 "Такси" в Питере.
19.30 "Маски-шоу".
20.00 "Ньюбоясимо, но факт".
22.00 Комеди Клуб.
23.00 "Секс" с Андисой Чеховой.
1.15 "СЕМЕЙКА АДДАМС".
2.25 "ДЖОЙ". Комедия.

TV-Марказ

Душанба

07.00 «Премьера» (Ўзб.)
07.25, 08.40, 14.00, 16.30, 18.25
21.00 Ўзбек наволари
08.00 «Премьера» (рус.)
08.25 «Сайитгоҳ»
09.10 Докуфилм «Ялла»
10.00 «Сўнмас оғулар»
10.45, 13.00, 15.45, 17.30, 20.25
Мировые хиты
11.00 Кино-SMS Фильм-редакция прошлой недели.
15.00 Телеяна
18.00 «Премьера» (Ўзб.)
19.00 «Премьера» (рус.)
19.25 Сернал
22.00 Комедия по понедельникам «ОСЕННИЙ МАРАФОН»
00.00 Миксер

Сешанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 08.30, 10.25, 18.10, 20.25
21.30 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
08.10, 13.00, 13.40, 14.40,
15.45, 16.20, 17.45, 18.40 Мировые хиты
09.00 Сернал
10.00 «Премьера» (Ўзб.)
11.00 Комедия «Осенний марафон»
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телеяна
16.00 «Снегепортаж»
17.00 «Топ-20»
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сернал

20.10 «Сайитгоҳ»
21.00 «Великолепная семёрка»
22.00 Худ.фильм «КОНСТАНТИН»
00.15 Миксер

Чоршанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 10.00, 14.10, 16.15, 18.10, 20.10
Ўзбек наволари
07.35 «Премьера» (рус.)
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Микст-концерт
09.00 Сернал
10.45, 13.15, 14.40, 15.45,
17.45, 21.30 Мировые хиты
11.00 Худ.фильм «Константин»
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
13.40 «Юдузи пайшанба»
14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телеяна
16.00 «Сайитгоҳ»
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сернал
21.00 «Миссия negotiorum»
22.00 Киноколлекция «ЗАВТРА У ТИФФАНИ»
00.10 Миксер

Пайшанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 08.25, 10.30, 13.40, 16.20,
18.10, 21.30 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Сайитгоҳ»
09.00 Сернал
10.00, 13.10, 14.40, 15.45, 17.30
Мировые хиты
11.00 Киноколлекция «Завтра у Тиффани»
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)

14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телеяна
17.00 «Великолепная семёрка»
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сернал
20.10 «Снегепортаж»
20.30 «Премьера» (Ўзб.)
21.00 «Юдузи пайшанба»
22.00 Кино «МИЛЛИЙ ХАВФ-СИЗНИК»
23.40 Миксер

Жума

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 10.00, 13.00, 13.40, 14.40,
16.15, 21.35
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сернал
11.00 Кино «Мистрий хавфсизлик»
12.40, 15.45, 17.30, 18.10, 20.50
Мировые хиты
13.30 Марказ NEWS (Ўзб.)
14.30 Марказ NEWS (рус.)
15.00 Телеяна
17.00 «Миссия negotiorum»
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Сернал
20.10 «Сўнмас оғулар»
21.00 «Премьера» (рус.)
21.25 «Сайитгоҳ»
22.00 Худ. фильм «И ГРЯНУЛ ГРОМ»
00.00 Миксер

Шанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 09.00, 10.15, 14.25, 17.00, 21.00
Ўзбек наволари

08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10, 09.45, 13.15, 16.20,
18.10, 21.30 Мировые хиты
09.30 «Сайитгоҳ»
11.00 Худ.фильм «И грянул гром»
14.00 «Премьера» (Ўзб.)
15.00 Телеяна
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 Концерт «Шадуз ва дуслари»
22.00 Индийское кино «МЯТЕЖНАЯ ДУША»

Шанба

07.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
07.10, 10.45, 14.00, 18.10, 20.00 Ўзбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Концерт «Шадуз ва дуслари»
09.50, 16.20, 16.55, 18.45,
19.00, 21.45 Мировые хиты
10.00 «Сўнмас оғулар»
11.00 Индийское кино «МЯТЕЖНАЯ ДУША»
15.00 Телеяна
16.30 «Премьера» (рус.)
17.30 «Юдузи пайшанба»
18.00 Марказ NEWS (Ўзб.)
18.30 «Сайитгоҳ»
19.00 Марказ NEWS (рус.)
21.00 «Топ-20»
22.00 Кино-SMS:
1. «БЕССМЕРТНЫЕ»
2. «ОРАЖЕНЫЙ БАРОН»
3. «НА ПЕРЕПУТЬЕ»
Миксер

EUROSPORT

Душанба

12.30 Зимние виды спорта. Обзор олимпийского дня-два.
13.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Супергигант. М.
14.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Тренировка. Соростройный спуск. Ж.
15.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Гонка преследования. Ж.
15.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Гонка преследования. М.
16.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Супергигант. Ж.
16.30 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Соростройный спуск. Тренировка. М.
17.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Гонка преследования. Ж.
18.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Гонка преследования. М.
18.30 Шары. Открытый чемпионат Уэльса (Веллсборнган). 3-й день.
21.45 Футбол. Евролига.
22.45 Футбол. Го-о-о-о!!!
23.00 Снекер. Кубок Мальды. Финанс.

Сешанба

12.30 Эстрельный спорт.
13.00 Футбол. Евролига.
14.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Тренировка. Соростройный спуск. Ж.
15.00 Вуз это адр!
15.30 Футбол. Евролига.
16.30 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Тренировка. Соростройный спуск. Ж.
17.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Гонка преследования. М.
18.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. М.
20.00 Шары. Открытый чемпионат Уэльса (Веллсборнган). 4-й день.
22.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. М.
23.00 Легкая атлетика. Соростройные в помещении (Германия, Дессельдорф).

Чоршанба

12.30 Легкая атлетика. Соростройные в помещении (Германия, Дессельдорф).
14.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Тренировка. Соростройный спуск. Ж.
15.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. М.
16.30 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Тренировка. Соростройный спуск. Ж.
17.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Гонка преследования. Ж.
18.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. Ж.
20.00 Шары. Открытый чемпионат Уэльса (Веллсборнган). 5-й день.
22.00 Легкая атлетика. Соростройные в помещении (Германия, Дессельдорф).
22.45 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. Ж.
23.00 Парусный спорт. Вместе с Азией.
23.50 Избранные по идеям.
00.00 Конный спорт. Кубок мира во Франции (Бонф). Тур PGA. «ФРП Уолп».

Пайшанба

12.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. Ж.
13.00 Футбол. Товарищеский матч Франция - Аргентина.
14.30 Легкая атлетика. Соростройные в помещении (Германия, Дессельдорф).
15.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Индивидуальная гонка. Ж.
16.30 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Комбинация. Соростройный спуск. М.
18.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Снежинка эстафета.
20.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Комбинация. Слайм. М.
21.00 Шары. Открытый чемпионат Уэльса (Веллсборнган). 6-й день.
22.30 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо).

Снежинка эстафета.
00.20 Футбол. ЧЕ. Евро-2008.
Универсальные игры

Жума

12.30 Парусный спорт. Вместе с Азией.
12.45 Шары. ЧМ "Рали Швейц". Премью
13.15 Санный спорт. Кубок мира в Австрии (Итас).
13.45 Футбол. ЧЕ. Евро-2008.
Танцевальный матч.
14.45 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Снежинка эстафета.
15.45 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Комбинация. Слайм. М.
16.15 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Комбинация. Соростройный спуск. Ж.
17.45 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Снежинка эстафета.
18.45 Футбол. ЧЕ. Евро-2008.
Танцевальный матч.
19.45 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Комбинация. Соростройный спуск. Ж.
20.00 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Комбинация. Слайм. Ж.
21.00 Шары. Открытый чемпионат Уэльса (Веллсборнган). Финал.
22.00 Проксид на лыжах с трюмпинала.
Кубок мира в Германии (Виттенберг). Квалификация. К-145.
23.00 Легкая атлетика. Соростройные в помещении (Франция, Клермон Ферран).

Шанба

12.30 Футбол. 24 лучших клубов Европы.
13.00 Проксид на лыжах с трюмпинала.
14.00 Санный спорт. Кубок мира в Германии (Виттенберг). Двойки.
14.30 Футбол. ЧМ в Италии (Анголмо). Эстафета. М.

16.30 Горные лыжи. Чемпионата мира в Швеции (Арс). Соростройный спуск. М.
18.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Тонние. Турнир WTA во Франции (Парк). Полуфинал.
21.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо).
22.15 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо).
23.00 Проксид на лыжах с трюмпинала. Кубок мира в Германии (Виттенберг).

Шанба

12.30 Санный спорт. Кубок мира в Германии (Виттенберг). Ж. 2-й попытка.
13.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Эстафета. Ж.
14.15 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Месс-старт. Ж.
15.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Эстафета. Ж.
16.30 Горные лыжи. ЧМ в Швеции (Арс). Соростройный спуск. Ж.
18.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Месс-старт. М.
19.00 Биатлон. ЧМ в Италии (Анголмо). Эстафета. Ж.
19.45 Тонние. Турнир WTA во Франции (Парк). Финал.
21.00 Легкая атлетика. Турнир в помещении (Германия, Клермон).
23.00 Проксид на лыжах с трюмпинала. Кубок мира в Германии (Виттенберг). К-145. Команды.
00.00 Зимние виды спорта. Обзор олимпийского дня-два.
00.30 Бокс. Международные поединки. Средние весовая категория. Р. Россено (Франция) - Дж. Валлео (Того).

Қадрли ўқувчилар!

Сизга ваъда берганимиздек, газетамизда бир қатор янги руқларни ташкил қилдик. Энди "JAHON ROCHTASI" руқни билан ёнма-ён чет эл компаниялари ва уларда ишловчи ҳамкасбларингиз, янги технологиялар, жаҳон алоқа ва ахборот-лаштириш оламида ёрқин ном қозongan мисласиз истеъдод соҳиблари ҳаётига доир ҳикоялар "WWW" ҳамда "XORIJ TAJRIBASI" руқлари остида эътиборингизга ҳавола этиб борилади. Бу борада, албатта, сиздан таклиф ва мулоҳазаларингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.

WWW



1996 йилнинг кузида Стэнфорд университети (Калифорния штати) сайтида Интернет-қидирув саҳифаси ишга тушди. BackRub номи бу саҳифа аспирантлар — Сергей Брин ва Ларри Пейжларнинг илмий ишлари маҳсули эди.

Тизимнинг ишлаб туриши учун зарур бўлган умумий ҳажми 1 терабайт (1024 гигабайт)га тенг винчестерлардан ташкил топган сервер Бриннинг университет ётоқхонасидаги хонасида жойлашганди. BackRub ишлаш тизимининг афзаллиги — саҳифалар фойдаланувчи талабномасига мос келиш фоизи камайиб бориш тартибида жойлаштирилди. Яъни, энг муҳим маълумотлар дастлабки саҳифаларга чиқарди.

Интернет-қидирувчи шунчалик қулай эдики, кўп ўтмай, ҳатто университет шаҳарчасидан четдаги одамлар ҳам ундан фойдаланишга ўтишди. 1998 йилнинг ёзига келиб, кунига ўртача 10 минг одам BackRubга мурожаат қиларди — бундан стэнфордликлар ташвишга тушиб қолишди, ахир янги сервис университет Интернет-трафигининг қарийб ярмини ишғол қилиб улгурганди-да. "Пайти келиб икки йўл — мустакил фаолият бошлаш ёки ўқишни давом эттиришдан бирини танлашимга тўғри келди", — дея эслади Сергей Брин. Бу борада қутилмаганда унга Sun Microsystems компанияси асосчиларидан бири Энди Бехтолштайм ёрдам қўлини чўзди. Сергей у билан уррашиб, ўз тизими имкониятларини намойиш эта бошлади. Қаергадир шошилаётган Бехтолштайм лойиҳа ўзига маъқул келганини айтиб, дарҳол чек ёзиб берди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, Сергей ҳали мавжуд бўлмаган Google Incorporated компанияси номига ёзилган 100 минг долларлик чекни қўриб қўзларига ишонмасди...

Бу пулларни олиш учун дарҳол

Google компаниясини тузиш лозим эди.

1998 йилнинг 7 сентябрида Google Inc. 1 миллион АҚШ доллари қўйматидаги капитал билан рўйхатга олинди.

Сергей Михайлович Брин 1973 йилнинг 21 августда Москвада яҳудийлар оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Михаил Брин математик, онаси Евгения муҳандис эди.

70-йиллар охирида собиқ Иттифокда яшовчи яҳудийларнинг доимий яшашлари учун чет элга чиқишларига рухсат берилди. Бринлар оиласи ҳам биринчилар қаторида океан ортига кетаётган эмигрантлар сафига қўшилди.

Сергей 1990 йили мактабни битиргач, отаси ишлаётган Мэриленд университетининг математика факултетида ўқишга кирди. "Компьютер тизимлари" ва "математика" ихтисосликлари бўйича "қизил" бакалаврлик дипломини муддатидан аввал кўлга киритган бу истеъдод соҳиб National Science Foundation Graduate Fellowship степендиясига ҳам сазовор бўлиб, таълим учун пул тўлаш ташвишидан қутулди. Энди у ўқишни Стэнфорд университетида давом эттирди. Ларри иккаласи айнан Стэнфордда танишишди. Қизиги, деярли биронта масалада ҳам уларнинг фикри бир жойдан қикмасди. Аммо мақсадлар муштараклиги ҳамма нарсдан устун чиқди. Икки дўстнинг илмий ишлари бир хил мавзуда — Бутунжаҳон ўргимчак тўридаги миллионлаб ҳужжатларни қидириб топишга бағишланганди. Улар саҳифаларни

ранклаш (ranking — излаш машинасининг базасидан фойдаланувчининг талабномасига мос келадиган саҳифани топиш жараёни) бўйича яратилган янги алгоритмга 1996 йил бошларида патент олишди. 1999 йил бошларида мамлакатнинг йирик газеталари Интернет соҳасида энг яхши қидирувчи пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқатишди, тезкор қидирувчи таширф буюрувчилар сони кўпайгандан-кўпайиб борарди.

Орадан бир ярим йил ўтиб, Google даромадгир компанияга айланди. 2004 йили компания акцияларининг биржага қўйилиши Googleни ҳам, Бринни ҳам дунёга танитди. Ҳозирда Брин ва Пейжнинг биргаликдаги улуши 7,2 миллиард доллардан ошди.

Бевосита миллиардер Сергей Бриннинг ҳаёт тарзига тўхталадиган бўлсак, у ҳаётда жуда оддий инсон. Уйланмаган. Камтарона яшашни яхши кўради. Уч хонали уйда истикомат қилади. Бой одамлар сингари "Мерседес"да юрмайди, балки экологик тоза гибрид двигатели "Тойота"ни афзал кўради.

Хуллас, Google ҳозирда шунчалик донгдор компанияга айландики, унда ишлашга орзуманд мутахассислар жуда кўпчиликни ташкил этади. Аспирантлар Сергей Брин ва Ларри Пейжлар ўзлари Стэнфорд университетининг докторлик даражасини олишмаган бўлсалар-да, кампанияга ишга қабул қилишда техника фанлари докторларини маъқул кўришади.

Айтиш мумкинки, Сергей Бриннинг амалга ошмаган ягона орзуси бор. Унинг ўзи айтганидек: "Шундай қидирувчи тизим яратиш лозимки, у нима излаётганингизни аниқ билиши ва айтган сизга зарур бўлган натижани чиқариб бериши даркор".

ALOQA OLAMIDA

ДАВОС (Швейцария)да ўтаётган Бутунжаҳон иқтисодий форумида сўзга чиққан Microsoft асосчиси Билл Гейтс яқин йилларда телевидение катта ўзгаришлар чигиринидан ўтишини таъкидлади. Унинг айтишича, шахсий компьютер ва телевизор деярли битта қурилмага айланиб кетаркан. Бу жараёнда Интернет-телевидениенинг катта аҳамият касб этиши мумкин.

РИМ Папаси Бенедикт XVI замонавий компьютер ўйинларини зўравонлик ва ғайриахлоқий турмуш тарзини тарғиб қилишда айблади.

Энг ташвишли томони, бу ўйинлар ишқибозларининг аксариятини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Католик черкови раҳбари медиакомпанияларни умуминсоний қадриятларни, оила ва никоҳ каби муқаддас тушунчаларни тарғиб қилишга чақирди.

FUTURE OF JOURNALISM EDUCATION ташкилоти ўтказган тадқиқотлар америкалик ўқитувчиларнинг аксарияти машғулотлар давомида Интернет-ресурслардан олинган маълумотларни кўп ишлатишини кўрсатди.

Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг 57 фоизи машғулотларда Бутунжаҳон тармоғидан фойдаланишларини маълум қилишган. Уларнинг 31 фоизи янгиликлар теледастурларига, 28 фоизи эса кундалик газеталардаги маълумотларга ишонишларини таъкидлашган.

GERMANYнинг Siemens AG концерни дастур таъминоти масалалари билан шугулланувчи UGS Corp компаниясини 3,5 миллиард долларга сотиб олди. Концерн UGS Corp маҳсулотларини ўзининг автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи VDO Automotive шўъба компанияси фаолиятида ишлатишни режалаштирган.

ПЕНСИЛВАНИЯ университети олимлари ишлаб чиққан усул яқин келажакда инсон миясини компьютер билан боғловчи нафис тола (кабел)лар яратиш имконини бераркан. Айтиш пайтга қадар миядаги сигналлар ташқи қурилмага металл электродлар орқали узатилаётганлиги. Янги усулга кўра, бу мақсадларда ўзгартирилган асаб ҳужайралари боғламаларидан фойдаланилади, яъни кабеллар нейронларнинг мунтазам ўстирилиши орқали шакллантирилади. Уларнинг узунлиги 10 сантиметргача этиши мумкин.

ЯПОНИЯЛИК олимлар ертўла ёки юкхоналарда яширилган портловчи моддаларни топишнинг энг қулай усулини топишди. Superconductor Science and Technology журналда келтирилшича, ишлаш тамоийли радиотўлқинларга асосланган бу восита ҳозирга қадар қўлланилаётган рентген нурларидан афзалроқ экан.

IBM компанияси Интернет орқали молиявий амалиётларда қатнашаётган фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги дастурий маҳсулотини ишлаб чиқди. Янги маҳсулот Identity Mixer деб номланди.

Маълумки, онлайн дўконлар орқали харидни амалга оширишда ёки хизматлардан фойдаланиш чоғида баъзилар кибержиноят жабрланувчисига айланади. Ишонувчан миқозларнинг кредит карталари ённик банкклаги ҳисоб-рақамлари турли ҳийла ва найранглар воситасида виртуал жиноятчилар қўлига тушиб қолади. Identity Mixer айнан шу сингари муаммоларга барҳам бериши мумкин. Бу тизим фойдаланувчисига тўловга лаёқатли эканлигини тасдиқловчи рақамли аноним ҳужжат берилди. Тегинли рақами, амал қилиш муддати кўрсатилган бу ҳужжат банк ёки ҳукумат ташкилоти томонидан тақдим этилиши мумкин. Харид жараёнида Identity Mixer ҳужжатнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди, барча маълумотларни махфийлаштирилади ва сотувчига юборди. Эътиборли томони шуки, бу жараёнда харидорга тегинли шахсий маълумотлар умуман ишлатилмайди.

Google — ўзининг юзичи даражасини, яъни 1 ва 100га нуддан иборат бирликни фойдаловчи атама — Googol (гуголни) сал ўзгартирилган кўриниши. Бу атама америкалик математик Эдвард Каснернинг 1938 йилги чоп этилган мақоласида ишлатилган. Каснернинг фикрича, бутун борлик-оламда гугол-бирликка тенг моддий объект мавжуд эмас. Сергей Брин ўз қидирув тизимига ушбу номни қўйиш билан Интернетнинг сарҳадсиз эканлигига ишора қилган.

● TATU HAYOTIDAN

KRISTAL
ҚИДИРУВ
ТИЗИМИ

ТОШКЕНТ ахборот технологиялари университетида Корея Республикасининг Корея фан ва технологиялар маълумотлари институти (Korea Institute of Science and Technology Information) билан ҳамкорликда 2007 йил 31 январдан 2 февралга қадар "KRISTAL" номи билан юриллаётган қидирув тизими бўйича уч кунлик ўқув курси ташкил қилинди.

Машгулотларни Кореянинг KISTI ташкилоти ходимлари Жин Сук Ким, Сунг Пил Чой, Хава Мок Ён ва Улсан университети профессори Чел Ёнг Оклари олиб бордилар.

ОЧИҚ
КОДЛИ
ДАСТУРЛАР

TATU ва Жанубий Кореянинг ETRI (Электроника ва телекоммуникация тадқиқотлари институти) ташкилоти ўртасида 2006 йилнинг 10 октябрида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланганди.

Ушбу ташкилот билан ҳамкорликда 6-9 феврал кунлари "Очиқ кодли дастурлар" мавзусида ўқув курси ташкил этилади. Ўқув курсларини олиб бориш учун ETRI ташкилотининг беш нафар ходими келиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз

● TO'YXAT

Тўғри танланган касб, солиқ фарзандлар ва оқил умр йўлдош инсонни бахтли қила олади, дейишади улуғлар. Ҳақ гап. "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг умумий бўлим бошлиғи Баҳодир ака Мирзааҳмедов ҳам ана шундай неъматга эришган инсон.

Болалигидан қизиқувчан Баҳодирга симсиз товуш узатиш мўъжиза бўлиб туюлар эди. Қандай ҳолатда узоқ масофаларга қисқа муддатда товуш узатилади ва қабул қилинади? Бунинг асл сабаблари нимада ўзи? Радиоалоқанинг чек-чегараси борми? Ана шу каби са-

Инсон қалби нозик

воллар унга тинчлик бермасди. Техника оламининг сирли оҳанрабоиси уни ўзига чорлаверар эди. Алал-оқибат гугурт қутичалари ёрдамида мўъжазгина радиоалоқа қурилмалари ясашга иштиёқманд йигитча мактабни битиргач, 1962 йили Тошкент алоқа политехникумига ўқишга кирди. 1967 йили техникумдаги тахсил якунлангач, уни Тошкент шаҳар телефон тармоғига ишга юборишди. Уша йилнинг 2 март куни 66-АТСда электромеханик вазифасида иш бошлади. Мана шунга ҳам яқинда 40 йил бўлади. Ўтган йиллар Баҳодир акани роса тоблади.

70-йиллари шаҳарда янги координатли телефон станциялари ўрнатилди бошланди. Бу станцияларни бошқара оладиган мутахассисларга талаб катта эди. Шу боисдан Б.Мирзааҳмедовни 1973 йили Ленинград электротехника алоқа инсти-

тутуда очилган малака ошириш ўқув курсига юборишди. Бу ерда малакасини ошириб қайтган ёш мутахассисни 35-АТСга станция муҳандиси этиб тайинлашди. У 1976 йили Тошкент электротехника алоқа институтида автоматик электралоқа йўналиши бўйича сирдан ўқишни тамомлагач, 90-АТСда линия муҳандиси вазифасида ишлади. Икки йил ҳозирги Янгиобод телефон боғламасида бош муҳандис, 1984—1990 йиллар давомида шаҳар телефон тармоғида касба уюшмаси кўмитаси раиси, 1990—1994 йилларда Собир Раҳимов телефон боғламаси бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. У 1994 йилдан ҳозиргача "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг умумий бўлим бошлиғи вазифасида самарали ишлаб келмоқда.



ҳам шундай йўл тутишни маслаҳат бераман.

Пойтахтимиздаги АТСлар рақамли, электрон станцияларга алмаштирилди. Хизмат кўрсатиш имкониятларимиз янада кенгайди. Шунга мос равишда шикоятлар сони ҳам камайди. Истеъмолчи ҳаммisha ҳақ дейишади. Нима бўлганда ҳам унинг эътирозларини ўз вақтида ўрганиб, ҳал қилиш бурчимиз.

Баҳодир ака маслаҳатларини аймаган, доимо тўғри йўл кўрсатган устозлари — Ҳакимжон Исамуҳамедов, Абдулла Алимбоев, Пўлат Умаров, Саидқабар Агзамовлардан миннатдор бўлса, Қобил Орифжонов, Шарофат Мусаева, Аъло Нигматов, Анатолий Ананин, Абдугани Алиматов, Оқил Иноятов сингари ишончини оқлаётган шогирдларидан кўнгли тўқ.

Ҳар бир ота-она фарзандлари камолини кўришни хоҳлайди. Баҳодир ака умр йўлдоши Мактуба опа билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишган. Улугбек ва Дилфуза алоқа муҳандиси, Маҳфуза ўқитувчи, Феруза эса Тошкент ахборот технологиялари университетининг 3-босқичида ўқимокда.

— Данагидан мағзи ширин, дея беҳизга айтишмаган экан. Ишдан чарчаб келганимда невараларим кутиб олишади, улар билан суҳбатлашиб, чарчогим ёзилганини ўзим ҳам сезмай қоламан, — дейди ун бир нафар неваранинг сеvimли бобоси.


Бугун мақолаимиз қахрамони — Баҳодир ака Мирзааҳмедов кутлуг 60 ёшга тўлади. У кишини муборак айёмлари билан табриқлаб, "Ҳамиша соғ-омон бўлинг", дея энг эзгу ниятларни билдирамиз.

Абдугани
АБДУРАҲМОВ

Устоз ва шогирд

Маълумки, яқинда "Келажак овози-2006" мега-танловининг республика босқичи якунланди. Танлов тасвирий ва амалий санъат, бадий-публицистика, ахборот-коммуникация технологиялари, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа, меъморчилик ва дизайн, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар йўналишлари бўйича ўтказилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали IV босқич талабаси Дилшод Қуръазов танловнинг "Ахборот-коммуникация технологиялари" йўналишида "Хоразм Маъмун академияси" мавзусидаги веб-дизайн соҳасига оид илмий-ижодий иши билан қатнашди. Дилшод ўз ишида Маъмун академиясининг ўтмиши ва ҳозирги даврдаги фаолияти, Академияда олимлар томонидан қилинаётган илмий изланишлар тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтган. Унинг илмий-ижодий иши танловнинг "Ахборот-коммуникация технологиялари" йўналиши бўйича "Энг яхши иш" сифатида тан олинди ва Гран-прига сазовор бўлди. Айтиш жоизки, у веб-дизайн соҳасига оид илмий-ижодий ишини веб-сайт ҳолига келтиришда илмий раҳбари,



Суратда: иқтидорли талаба Дилшод ҚУРЪАЗОВ ва устози Мақсудбек ШАРИПОВ.

"Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси мудир, техника фанлари номзоди Мақсудбек Шариповнинг маслаҳатларига таянди. Хоразм Маъмун академиясининг маълумотлар базаси My SQL тизимида, веб-сайт эса PHP + JavaScript тилларида яратилди.

Д.Қуръазов ТАТУ Урганч филиалининг энг иқтидорли талабаларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда у устози Мақсудбек Шарипов раҳбарлигида "Хоразм тадбиркорлари учун мўлжалланган Интернет-дўконлар дастурий таъминотини яратиш" мавзусида битирув малакавий ишини олиб бормоқда. У тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, илмга чанқоқлиги, жамоат ишларида фаол иштироки билан ўз тенгдошларига ўрناق бўляпти.

Юқоридаги каби тадбирлар ва танловлар тўғрисидаги ёшларимизнинг янги қирралари намоян бўлмоқда. Келажакда филиалимиз ёшлари юртимиз ахборот технологиялари соҳасида янгидан-янги кашфиётларни амалга оширадилар, деб умид қиламиз.

Отабек САПАРБАЕВ,
"Камолот" ёшлар ижтимоий
ҳаракатининг ТАТУ Урганч филиали
бошланғич ташкилоти раиси

● TURMUSH CHORRAHALARIDA

Дарвоза олдига келиб тўхтаган машина товушини эшитиб, Саидахоннинг юраги ҳапқириб кетди: ана, келишди шекилли. У ҳолсизланиб ўтириб қолди, беихтиёр кўзларига ёш куйилиб келди.

— Эссиз, онажоним. Жоним онам. Чаккангизга район тақиб, ҳрвида юришларингизни соғиндим. Ўрнингизни

ўртоғи Фозилжон кўшилди.

— Ўзингни кўлга ол, — деди у меҳрибонлик билан. — Ўлим — Аллоҳнинг иродаси. Дадам ҳам шу ёшларида иккинчи хотинга уйланишни истамайдилар. Лекин, начора, эркак кишига бир танмахрам албатта керак. Эшитишимга қараганда, Кундуз опанинг эри ароқхўр, нашаванд одам бўлган экан. Яхши бўлиб қолар деб бир неча йил кутибди. Бўлмагач,

лик атлас товланиб турарди. У кўйлақлик матони кўлига олчакгина бугун туғилган куни эканлиги эсига тушди — буни Фозил акаси олиб келган. У маъюсланиб диванга чўкди — раҳматли онаси тирик бўлганида пешинга қолмай етиб келарди. Кўлида қимматбаҳо нарса бўлмаса-да, албатта, бир челақ шафтоли бўларди. Саиданинг шафтолини яхши кўришини биларди-да. Энди-

Меҳр тантанаси

биров эгаллайдиган бўлди-ку, онажон.

Меҳмонлар кириб келишганида Саиданинг кўзлари йиғидан қизариб кетган, норозилиги шундоқ билиниб турар эди. Ҳовлига биринчи бўлиб кирган Раҳбар ая жияини бағрига босди.

— Ўзингни бос, болам. Ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор нарса. Дадам қийналиб кетди, ахир. Сен биронинг хасми бўлсанг, кўз ёшингни арт, меҳмонлар сезмасин, — пичирлади у.

Карим полвон ҳам гап нимада эканлигини тушуниб, кизини ёнига чақирди. У гуноҳ иш қилган одамдай қизига қарай олмас, озиб кетганлигидан туртиб чиққан юз суюқлари янада катта бўлиб кўринарди.

— Қизим, онангга қанчалар ўрганиб қолганлигини кейин билинди. Сен мени тўри тушун, болам. Кенонинг ҳали ёш. Болалари билан овора... Отасининг ёнига турмуш

укаларининг кўлига борибди. У ерда келинлар сиғдирмаган. Дадамга турмушга чиқишга рози бўлганига раҳмат дейишимиз керак, аслида.

Саида эрининг гапларидан кейин анча уйланиб қолди. Қилган қилигидан озгина хижолат ҳам бўлди. Лекин гўё онаси агар ўша аёлга яхши муносабатда бўлса хафа бўладигандек яна гурур отига минди ва "энди дадамникига бошқа келмайман", деди ичиди.

Эрталаб уйқудан барвақт уйғонган Саида эрининг ўрни бўшлигини кўриб, унга раҳми келиб кетди: бечора уйим-жойим деб тиним билмайди. Худо билади, қачон туриб кетган. У ҳовлиларни супуриб, тозалаб, кўчаларга сув сепди ва йиғиштириш мақсадида уйга кирди. Катта хона эшигини очиши билан кўзи бир сават атиргулга тушди. Гул ҳиди бутун хонани тўлдирган эди. Сават олдига эса бир кийим-

чи, онаси ҳам йўқ. Ранги кўзни қамаштирадиган луччак шафтоли ҳам. Ўша кунги қилигидан кейин дадаси ҳам, Кундуз опа ҳам келишмайди барибир. У оёқлари оғирлашиб қолгандай секин ўрнидан турди ва ошхонага йўналди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай дарвоза тақиллади. Бориб очса, остонада... озода кийиниб олган дадаси ва бир челақ луччак шафтоли кўтариб олган Кундуз опа туришарди. Опа челақни ерга қўйиб, кўлидаги чиройли рўмолни Саиданинг бошига ёпди. Кўнгли бўшаб кетган Саида эса Кундуз опанинг бағрига кирди. Опадан онаси чаккасига тақиб юрадиган район ҳиди гупуриб турарди.

Иккала аёлнинг йиғлаб кўришиларини кўриб, Карим полвоннинг ҳам кўзига ёш келди. "Хайрият, — ўйлади у. — Меҳр барибир тантана қилди".

Гулбаҳор ХАЙДАРОВА

Ассалому алайкум «Хабар» газетаси ходимлари!



Мен 1974 йилда Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида туғилганман. Касбим сартарош. Газетангизни имкон қадар ўқиб бораман. Кейинги пайтларда газета саҳифаларида ёш ижодкорларга кенг ўрин берилётгани мени беҳад қувонтирмоқда. Чунки, мен ҳам шеърят шайдосиман. Меҳр МИРЗО таҳаллуси билан шеърлар ёзиб тураман. Аммо машқларим ҳали бирор матбуотда чоп этилмаган. Газетангизнинг бир мухлиси сифатида илк бор шеърларимни сизларга юборишни лозим топдим.

Хурмат билан, Меҳриддин ХАМРОЕВ.

СЕНСАН ЎЗИНГ

Айтмай дейман, кўнгли кўймас соғинаман, Кўрмай қолсам, азобдаман оғринаман, Сени кўрмоқ менинг бахтим, талпинаман, Сенса ўзинг бегуборим, чин севгилим, Сенса ўзинг ҳаётим ва умр йўлим.

Термуламан, кўзларингда баҳор фасли, Эй паризод, гўзалдурсан кимнинг насли, Излаганим сенсан ўзинг, ўзинг асли, Сенса ўзинг бегуборим, чин севгилим, Сенса ўзинг ҳаётим ва умр йўлим.

Сўзларингдан бол томади, кўнгли бедор, Қирқ кокилинг тўлғонади, бўйнимда дор, Муҳаббат бу — мен сенга зор, сен менга зор, Сенса ўзинг бегуборим, чин севгилим, Сенса ўзинг ҳаётим ва умр йўлим!

СОҒИНЧ

Кўзларимда ёш кўрганда артиб қўйган, Ўғлим, дея юзларимдан ўлиб тўйган, Оғринсам гар оловдан ҳам қаттиқ қуйган, Сўзларингиз соғинаман, Отажоним, Кўлим етмас, осмондаги меҳрибоним!


Расмингизни қучоқлайман юрак ютиб, Энди тонгла оттираман сизни қутиб, Ултираман руҳингизга шамлар тутиб, Кўзларингиз соғинаман, Отажоним, Кўлим етмас, осмондаги меҳрибоним!

Сиймойингиз ахтараман қайта-қайта, Қабрингизга бош қўяман дардлар айта, Кўзёшларим артган қўллар энди қайда?! Кўлларингиз соғинаман, Отажоним, Кўлим етмас, осмондаги меҳрибоним!

Йиғлай-йиғлай ранги-рўйим бўлди сомон, Соғиндим ҳўл, ота, сизни кўрмоқ армон, Фарзандингиз Меҳр сизни эслар ҳамон, Юзларингиз соғинаман, Отажоним, Кўлим етмас, осмондаги меҳрибоним!

Меҳр МИРЗО

● "KABUTARDAN — SAMOVIY ALOQAGACHA!"



Гўрўғлининг тулпори

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Ўзбек халқ дostonларига бирор муҳим хабар ёки ташвишли ҳодисани керакли жойга етказишда от образи муҳим аҳамият касб этади. "Гўрўғли" туркум дostonларида Фирқўк (Фирот) ана шундай хабарчилик воситасидаги фольклор персонажи ҳисобланади.

Туркумдан ўрин олган дostonларда Гўрўғлининг асранди ўғиллари — Ҳасанхон ва Авазхонлар, улардан кейинги авлодлари — Нурали ва Равшанлар ҳамда кичик авлод — эвараларга бағишланган дostonларда элқот дoston қаҳрамонлари тақдирини билан ҳамоҳанг тарзда тасвирланганлигини кўриш мумкин. Чунончи, сурхондарёлик замонавий бахши — Боборайим Матмуродов ижро этган "Авазхон ота юртида" дostonида Этилган Аваз ҳақидаги ташвишли хабарни назаркарда оти Фирқўк Чамбилбелга етказиши ва Гўрўғли келиб, ўглини зиндондан озод қилади.

Эр йигитлар минар бедов саралаб, Баҳор вақти ёмғир ёғар буралаб. Чамбилнинг йўлини олди жонивор, Кетяпти тоғу тошни оралаб.

Шу пайт қулоғига Фиротнинг кишнаган овози келди. Дурбинни қўйиб қараса, тўшида ғулнинг парчаси ўмганини тилган, тўёқларидан қон сизган долгир-от чошиб келяпти.

Эгарсиз келяптику Фиротим, От устида кўринмайди фарзандим. Бу ҳол не бўлди қаранг, парилар, Фирот келяпти Аваз кўринмас.

деб ўғли тўғрисидаги хабарни от орқали аёнлайди.

Ўзбек халқининг хат-хабар маъносидида қадимги аъналарига шартли белгилар, турли ранглар ва хотирани ишга солувчи предметлар ҳам мавжуд. Масалан, қора ранг — бахтсизлик, хавф-хатар белгиси, қизил — гўзаллик, ёшлик рамзи, оқ — яхшилик, тинчлик, сариқ — бойлик, зангори — тўкинчилик, тўқчилик белгилари сифатида ҳозирга қадар халқ орасида англаб келинади. Бундай рамзлар орқали ўзгаларга хабар ёки бирор ахборот етказиш халқ озғани ижодида аксар ҳолларда учраб туради. Буни афсона, ривоят ва эртак каби эпик турга оид жанрлар намуналарида учратиш мумкин.

Зотан, бу олам олам бўлибдики, инсоният бошидан қанчалик кўп яхши-ёмон кунлар ўтган бўлмасин, барибир, одамлар бир-бирларини излаши, интилиши, ўз мақсадлари йўлида қидириши давом этаверади. Демак, номалар, хатлар, турли ёзишмалар ва алоқа аъналарини замон руҳига мос ривожланиб яшайверади.

Саид АЛИМОВ, ЎЗМУ доценти

● FOTOMUXBIR NIGOHIDA



«Жонли» боғ

Абу Райҳон Бериунийнинг "Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир" ("Жавоҳирни билиш учун тўплам китоби") аса-рида турли-туман шеър, ҳикоят, воқеалар баён этилган. Қуйида ана шу китобдан олинган ибратли ҳикоят эътиборин-гизга ҳавола қилинади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Чол ва Чумчуқ



шинг мумкин бўлмаган нарсасга ҳаракат қилма, ақлинг бовар қилмайдиган ишга ҳеч ҳам ишонма,

Бир чол киши чумчуқ тутиб олибди. Шунда чумчуқ ҳалиги кишига:
— Мени нима қилмоқчисан? — дебди.
— Сўйиб емоқчиман, — дебди чол.
— Мен билан тўймайсан, — дебди чумчуқ кишига қараб, — чунки, мен сенга ярим луқмадан ортмайман. Бордию сен мени қўйиб юборсанг, сенга учта ҳикматли сўз айтиб бераман, унга амал қилсанг, катта фойда кўрасан.

Чумчуқ айтган фикр чолга маъқул тушиб, улар Тангри таолони гувоҳ келтириб келишишибди. Кейин ҳалиги чол:
— Қани, ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи? — дебди.
— Ўтган ишга ҳеч қачон пушаймон қилма, кўлга кирити-

— дебди чумчуқ.
Киши ўзича ўйлаб:
— Буни ейишдан кўра айтганини қилсам яхшироқ эмасми? — дебди ва чумчуқ-ни бўшатиб юборибди.

НИКОЯТ

Чумчуқ учиб бориб деворга қўнибди-да:
— Агар ўз айтганинда қаттиқ туриб, мени сўйиб еганинда ичимдан каптар тухумидай бир марварид чиқарди, — дебди.
Чол чумчуқни қўйиб юборганига пушаймон қилибди. У чумчуқни қайтариб қафасга солмоқчи бўлиб:
— Кел, қайт жойинга, — дебди чумчуққа, — мен сен учун сим-сим кунжут уруғини тозалаб, муздек сув ҳам тайёрлаб қўйибман.
Чумчуқ чолга қараб шундай дебди:

— Эй одам боласи, сен мени сўёлмадинг ҳам, еёлмадинг ҳам, ҳатто мен айтган гапга ҳам амал қилолмадинг. Сен мени қўйиб юборганинга ачиналсан. Энди мени ўз жойимга қайтармоқчи бўлясан, лекин бу иш қўлингдан келмайди. Ундан кейин ўйлаб ҳам кўрмадинг, бутун гавдам каптар тухумидек келмайди-ку, жигилдоним қандай қилиб ўз гавдамдан ҳам каттароқ нарсани сиғдира олади?
Чумчуқ шундай дебдию учибди-кетибди.

TANLOV

“Хабар” нинг энг зукко мухлиси



ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ:

(3-босқич)

- Газетанинг илк сонларида суратлари чопэтилган таниқли фотомухбирлар?
а) С.Наследов, Т.Лутфуллаев;
в) А.Тўраев, С.Маҳкамов;
с) С.Маҳкамов, Солиҳ Зоир.
- “Буюклар муҳаббати” рукни остида чопэтилган туркум мақолалар муаллифи?
а) Иззат Аҳмедов;
в) Абдуғани Абдурахмонов;
с) Асқар Истамов.
- Газета чиқа бошлаганига бир йил тўлганда унинг адади қанча бўлган?
а) 23 минг;
в) 25 минг;
с) 18 минг.


ГОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

Исми - шарифи, яшаш жойи	Шартлари	Танлов босқичлари бўйича тўлган баллар							
		1	2	3	4	5	6	7	жам
Жамшид Исмолов, Тошкент шаҳри	Викторина	6	3						9
Раҳимжон Болтабоев, Ҳўжайли тумани	Кроссворд	70	32						102
Музаффар Абдуллоев, Наманган шаҳри	Викторина	6	6						12
Нодира Пулатова, Қарши тумани	Кроссворд	56	38						94
Қидирбой Кребаев, Эдликқалъа тумани	Викторина	6	3						9
Икром Холмуродов, Нукус шаҳри	Кроссворд	58	33						91
	Викторина	6							6
	Кроссворд	67							67
	Викторина	0							0
	Кроссворд	64							64
	Викторина	6	3						9
	Кроссворд	-	-						

Мақтубларингизни 700060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй — «Хабар» газетаси тахририятига жўнатинг.

Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган муштарийларимиз учун e-mail: orf@infonet.uz ҳамда xabar@uzrak.uz. Факс: 136-36-42.

“ЛОЧИН” кроссворди



ЭНИГА:

1. Қамиш чўпидан тўқилган тўшама. 3. Цитрус мева. 5. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 7. Жисмоний ва юридик шахслардан давлат ундирадиган мажбурий тулов. 9. Массанинг улуш бирлиги, заргарликда ишлатилади. 10. Эркалар кийими. 11. Сарсон, саргардон. 16. Ов ва жанг қуроли. 17. Меҳнатга олдидан ҳақ тўлаш. 18. Органик модда. 19. Ҳукумат идораси ёки кенгаши бошлиги. 21. Таниқли инглиз ёзувчиси Валтер ... (1771—1832). 23. Спорт тури. 25. Яқин вақтгача бир қатор шимолий Европа мамлакатларида муомалада бўлган пул бирлиги. 27. Догистондаги ўзини маарула деб атовчи халқ. 28. Урта тош даври (мил. авв. 10—5-минг йилликлар), бу даврда ўқ-ёй пайдо бўлган, итлар хонақилиштирилган. 31. Француз автоси. 34. Мароқаш давлати пойтахти. 35. Торли мусика асбоби. 37. Овчи қўш. 38. Зийнат буюми. 39. Ирсий жиҳатдан бир хил организмларнинг жинсиз кўпайиши натижасида кетма-кет пайдо бўладиган бир неча бўғини (авлоди). 40. Невага, чевара, ... 42. Полиэтилен. 43. Илтимос, сўров. 45. 454 грамм — 1 ... (инглизларда). 46. Организмда бу гормоннинг етишмаслиги қандли диабет касаллигини юзага келтиради. 48. БМТ собиқ Бош котиби Кофи Аннанинг ватани. 51. Умумхалқ тилининг маълум ҳудудга хос маҳаллий кўриниши. 52. Худуднинг 2/5 қисми денгиз сатҳидан пастда жойлашган Европа мамлақати. 55. Дарё ўзани, кўл ва бошқа сув ҳавзалари, тоғ ва тепаликлардаги горсимон ўйқ жой. 56. Поисядан тола олинадиган ўсимлик. 58. Қора денгиз бўйидаги оромгоҳ-шаҳарча. 60. Урта Осиёдаги тоғ ўлкаси. 62. Бошқарма, муассаса. 64. Ҳунарманд. 65. Американинг тропик ва субтропик ўрмонларида яшовчи йиртқич ҳайвон. 66. Аждодлар давомчиси. 67. Гап-сўз, миш-миш. 68. “Хамса” туркумига кирувчи достонлардан бирининг қаҳрамони. 69. 1878 йили Фижидувнда тавалуд топган атоқли тожик ёзувчиси. У Тожикистон Фанлар Академиясининг биринчи президенти бўлган. 70. Катта ариқ.

БЎЙИГА:

1. Боборт шкаласига кўра кучи 9 балл атрофида ва тезлиги 20,8-24,4 м/сек. бўлган кучли шамол. 2. Транспорт воситаси. 3. Франциядаги энг узун дарё (1020 км.). 4. Республикаимиз фарбидаги шаҳар. 5. АКШ штати. 6. Торондошларнинг отулоқ туркумига мансуб ўсимлик. 7. Қўйлар подаси. 8. Ой, моҳ. 12. Чанқовбосди ичимлиги. 13. Ҳаракатчан, гайратли, тиниб-тинчимас. 14. Ширин, шарбатсимон модда. 15. Юк ва йўловчиларни ташига мўлжалланган арава (ўтмишда). 20. Хитоб сўз. 21. Урта Шарқда кенг тарқалган мусика асбоби. 22. Ҳайвонлар жун қопламнинг жуда майин ингичка толаси. 23. Чингиз Айтматов ватани. 24. Тиббиёт бўлими. 25. Ахборот узатиш учун мўлжалланган қурималар мажмуи (кибернетикада). 26. Ушалмаган оғуз. 28. 1897 йили радиоприйимкини иختиро қилган италян кулими. 29. Гузал, сулув, барно. 30. Қардош халқ. 32. Сатрнинг бошланиши. 33. Таъм. 36. Кимсасиз. 40. Париждаги машҳур минора. 41. Денгиз йиртқичи. 43. Намуна, ибрат. 44. Мохир тикувчи. 47. а, о, и, э, у, ў — ... товушлар ҳисобланади. 49. Куй, наво. 50. Арабистон яриморлининг шарқдаги давлат. 53. Шамсия йилининг 11-ойи (22 январь — 21 февраль). 54. ... Билан — рус эстрада хонандаси. 56. «Шоколад» дарахти. 57. Сўз санъатининг икки асосий кўринишидан бири. 58. Қадимги юнон эпик поэмаси «Илиада» қаҳрамони. 59. Англияда пайдо бўлган спорт ўйини. 60. Марказий Европадаги пойтахт-шаҳар. 61. Эртақи, масалчи. 62. Сўз, жумла. 63. Тоғ қўйи.

“ПАХТАКОР”НИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ БИРИНЧИ СОВРИНИ

Ўн беш йиллик уринишдан сўнг мамлакатимиз вакили «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги» соҳибига айланди.



Газетамизнинг аввалги сонида “Пахтакор” жамоаси ўшбу кубок баҳсларининг ярим финалига йўл олганлиги ҳақида хабар берган эдик. Ярим финалда пойтахтликлар Молдованинг “Шериф” жамоасига рўбару келди. Учрашувда Леонид Кошелев томонидан киритилган тўп ягоналигича қолди ва мамлакатимиз чемпиони финалга йўл олди.

Финалда улар гуруҳдаги рақиби — Латвиянинг “Вентспилс” жамоаси билан кубок масаласини ҳал қилди. Уйинни иккала жамоа ҳам эҳтиёткорлик билан бош-

лади. Дарвозаларга деярли жиддий таҳдид солинмади. Бироқ тўп билан муомала қилишда вакилларимизнинг устунлиги аққол сезилиб турди. Вужудга келган бир нечта хавфли вазиятларда пахтакорчиларга аниқлик етишмади. Қолаверса, турнирнинг энг яхши ўйинчисига айланган “Вентспилс”нинг камерунлик легионери Ндеки саъй-ҳаракатлари эвазига учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтида дар-

возалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Навбат пеналтилар сериясига етиб келди. Уйиннинг қўшимча вақтида майдонга туширилган Темураев қахрамонга айланди. У нафақат жамоадоши Сервер Жепаровнинг хатосини тўғрилади, балки галаба тўпини киритди ва ҳал қилувчи зарбани бартафариқ этди. Шундай қилиб, “Пахтакор” халқаро майдондаги биринчи галабасини қўлга киритди.

ТЕМУР ИБРАГИМОВНИНГ НАВБАТДАГИ ЖАНГИ

16 феврал куни ўта оғир вазни боксчимиз Темур Ибрагимов ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.

Унинг рақиби америкалик боксчи Тони Томпсон бўлади.

Профессионал рингда биргина Келвин Брокка очколар ҳисобида мағлубиятга учраган ҳамюртимизнинг бу сафарги рақиби WBC Continental Americas камари соҳибчи ҳисобланади. Тони Томпсон 29 марта рингга кўтарилиб, 28 бор галабага эришган ва бир сафар мағлубиятга учраган.



VI ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

28 январ куни Хитойнинг Чанчун шаҳрида VI қишки Осие ўйинларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Қишки Осие ўйинларида 26 мамлакатдан мингдан ортиқ спортчилар спортнинг 11 тури бўйича 47та медаллар шодаси учун кураш олиб боришади. Осие ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси тоғ чанги спорти ва фигурали учинчи бўйича қатнашади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2003 йили Япониянинг Аомори шаҳрида бўлиб ўтган V қишки Осие ўйинларида Япония биринчи (24 олтин, 23 кумуш ва 20 бронза), Жанубий Корея иккинчи (10-8-10) ва Хитой учинчи (9-11-13) ўринни банд этган.

МИШЕЛ ПЛАТИНИ — UEFA ПРЕЗИДЕНТИ

Европанинг 52 миллий футбол федерацияси вакиллари яширин овоз бериш йўли билан UEFA президентини сайлашди.



Сайловда франциялик Мишел Платини ғолиб чиқди. Унинг номзоди учун 27, Леннарт Йоханссон учун 23 овоз берилди, 2 овоз варақаси эса ҳисобга олинмади.

Овоз бериш якунланганидан сўнг UEFAнинг янги президенти сўзга чиқиб, галаба қозонганидан мамнунлигини, собиқ президент Леннарт Йоханссондан UEFA олдидаги хизматлари учун миннатдор эканлигини билдирди.

“ЗИДАН СИНДРОМИ” ҚУРБОНИ

Сўнгги жаҳон чемпионатининг финал ўйинида Зидан томонидан «жазоланган» Италия терма жамоаси ҳимоячиси Марко Матераци яна бош зарбасига дучор бўлди. Бу галги айбдор — Женнаро Делвеккио.

“А” сериянинг «Интер» — «Сампдория» учрашувида рақиб жамоа вакили Марконинг жағига боши билан зарба берди. Бундай тўқнашувга Делвеккионинг «Интер» дарвозабонига хавфли ўйин кўрсатгани ва бунга Матерацининг аралашуви сабаб бўлган.

«Сампдория» ярим ҳимоячисининг сўзларига кўра, Матераци уни «Интер» ўйинчиларига атайлаб жароҳат етказишда айбланган ва у бундай тўхматга чидай олмаган.



ЭЪЛОН!

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалининг ҳамма (ҳозирги Марказий) телефон алоқа боғламасига қарашли 34/35, 22/23, 33/36, 21/24, 37-АТСларга берилган ер инвентаризация далолатномалари ҳамда ер участкаларининг чегаравий схема-режалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаддон ХҲЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orij@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

150-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адали: 11790 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Аслиддин БҮРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Дўстлик ҳақида жуда кўп ривоятлар, ҳикматлар бор. Бу ҳақда қанчадан-қанча шеърлар ёзилган, қўшиқлар ай-тилган. Қандай кишини садоқатли дўст дейиш мумкин? Бундай саволларга дабдурустдан жавоб топиш қийин, албатта. Ҳар ким ҳам ҳақиқий дўст бўла олмайди.

Садоқатли дўст топиш осонми?



Кўнгилни ёрвучи дўсти бўлмаган инсон ўз юрагининг қушандасидир. ДИДРО

Дўстман деб бутун сирингни билиб олиб, душманнинг ишини қилиб кетиши мумкин. Ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Шу боис бўлса керак, садоқатли дўст топиш мушкул иш. Кимдир молинга ошна, кимдир мансабинга. Яна кимдир... Хуллас, бу жумбоқни ечиш мушкул.

Ким билан дўстлашиш кераклиги ҳақида Ҳусайн Воиз Кошифий айтадилар: Дўстликдан бирон манфаат кўзла-майдиған ва беш хил хусусиятга эга бўлган киши билан дўстлашиш лозим.

Биринчи: дўст ақлли бўлиши керак, зеро ақлсизлик яхшилик белгиси эмас. Донолар: "Ақлсиз дўстан ақли душман яхши", деганлар.

Иккинчи: дўст хушфёъл бўлиши лозим, чунки қаҳри қаттиқлар билан тил топишиш қийин.

Учинчи: дўст бадфёъл бўлмаслиги лозим.

Тўртинчи: у беғараз бўлиши даркор.

Бешинчи: дўст алдоқчи, риёкор, қаллоб бўлмаслиги керак, чунки бундайларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди.

Халқимизда «Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин», деган гап бор. Дўст оғир кунда синалади. Бошинга оғир бир мусибат тушганда, дўст киму, душман ким билинади.

Бу хусусда Абу Лайс ас-Самарқандий ўз ўғлига насиҳат қилиб, шундай дейдилар: "Эй нури жаҳоним, сенга айтадиган гапим умринг безағи ва зийнати ҳақида бўлур. Парвардигор бизга насиба қилиб яратган неъматлар ва рўёлар (бойликлар) ичинда доим қадр-қиммат қилишимиз лозим бўлган, эъзозлашимиз шарт бўлган олий фазилат — дўстлик ва меҳр-оқибатдир.

...Синов саҳросида икки дўст адашиб қолишибди. Етти кеча-ю, етти кундуз кўтарилган қуюн, қор-ёғмир уларни ҳолдан тўдирибди. Лекин иккиси ҳам сабр-тоқат билан азобларни енгибдилар. Бир неча чақирим йўл босганларидан кейин саратон иссиғига рўбару келибдилар. Ташналик ҳолдан тўдирибди. Жалол исмли йигит дўстига шундай дебди:

— Эй Халил, чанқов танимни чаёндек чақаётир. Сувдонингдаги обизамзаминдан бир хўплам бер.

Халил унга жавобан:

— Босар йўлимиз мўл. Қаноат қил, — дея далда берди.

— Сабр-тоқатим, бардошим тугади...

— Яхши, сувдан берурман. Фақат шартим бор.

— Тезроқ айт... Ташналик ўртайд.

— Халифамиз хузурларига борганинда...

— Нега ундай деяпсан?

— Бу азоб саҳросидан иккимизнинг омон чиқишимиз даргумон. Агар мен омон қолсам, сенинг халқинга асло хиёнат қилмасликка онт ичаман. Халифамиз иккимиз ўртамаздаги барча воқеалардан огоҳ бўлсин. Оқибатимиз собитлигини шохимиз билсин. Токи араб туркни, турк арабни ўлдирибди, деган гап бўлмасин.

Улар қасамёд қилишибди. Халил охириги қўлтум сувини дўстига берибди. Икки навкар, икки дўст ҳарбий топшириқни бажариб, салтанатга жонлари омон етиб олибдилар. Юрт халифаси Жалолга зарбоф тўн, Халилга барқут тўн кийдирибди. Иккисининг номини хутбага қўшиб, ўқишга фармон берибди.

Шундай ўғлим! Дўст ёмон кунда синалади нақлининг мағзи шунда. Илло, сен атрофингдаги дўстларингнинг ҳақиқий ёки ноҳақиқийлигини синашга асло шошилма! Ҳаётнинг ўзи сенга масалани равшан қилади. Илло, бу ҳаракатинг билан асл дўстингнинг дилига озор етказиб қўйишинг мумкинди.

Ҳа, азизлар! Ҳақиқий дўст ҳақида яна кўп ривоятлар, ҳикматлар, мисоллар келтириш мумкин. Ҳаёт давомидида ушбу мавзу ўз сирларини очиб бораверади. Ниятимиз — бу беш кунлик дунёда ҳақиқий дўстлар кўпайсин. Бир-бирига меҳр-оқибатли инсонлар кўп бўлсин.

Иzzат АХМЕДОВ

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 йилда чиқарилган
почта маркалари

297. "Умум-жаҳон атроф-муҳит куни" почта маркаси. 2001 йил 20 июн. Рассом Ю. ГАБЗАЛИЛОВ.



Маркада ер шари ва унинг атрофидаги фазони ҳимоя қилаётган инсон қўлларининг рамзий тасвири берилган.

Марка икки рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Ўлчами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Варақдаги маркалар сони 50та. Адади 20,0 минг нусха.

298. "Герб" стандарт почта маркаси. 2001 йил 22 июн. Рассом В. НИКИТИН.



Марка бир рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Ўлчами 18,5x26 мм. Перфорацияси тароқсимон. Ранги қизил. Варақдаги маркалар сони 100та.

Адади 1 000,0 минг нусха.

Табриклаймиз!

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари ходимлар Надежда ЛЕОНОВАни 50 ёши, Мухторжон АБИДОВни 55 ёши билан самимий табриклайди. Уларга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, оилаларига тинчлик-тотувлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Хўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси бош ғазначи Урозали Пиримбет ўғли ЕРИМБЕТОВни туғилган куни билан чин юракдан табриклайди.

Унга сиҳат-саломатлик ва бахт, ишларида улкан зафарлар тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Худойкул ИСКАНДАРОВни туғилган куни билан самимий қўтлайди. Унга мустахкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, саодатли умр тилайди.

FOTOMUXBIR NIGOHIDA



Бўстонлик манзараси

Лутфилло ТУРСУНОВ олган сурат

Келгуси
сонларда:

Ички аудит хизмати...
Ушбу тизимнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
Унинг афзалликлари нимада? Бу хизмат ходимларига қандай талаблар қўйилади?
Улар қандай ваколатларга эга?..